

ADOLAT

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA

info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 15 (975) • 2014-yil, 11-aprel, juma

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 10 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг тақлиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Сенаторлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу Қонун давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали мажлисидаги мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифаларни белгилаб берган маърузасида баён этилган қондалар ва ғояларга мувофиқ тайёрланган ва қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар ҳокимият ва бошқарув тизимини янада демократлаштириш, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» принципи босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг давлат ҳокимияти органлари тизимидаги родини, ички ва ташқи сиёсатнинг стратегик вазифаларини рўйбга чиқаришдаги ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонун чиқарувчи олий орган, ҳокимият вакиллик органларининг Вазирлар Маҳкамаси ва ижро этувчи органлар фаолияти устидан назорат қилиш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш учун ҳуқуматнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини ошириш мақсадида киритилмоқда.

Сенаторлар ушбу Қонун қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимиятларининг бўлинишидан иборат конституциявий принципни амалга оширишнинг муҳим омил бўлишини алоҳида қайд этдилар.

Қонун «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» деб номланган мамлакатимиз тараққиётининг бош принципини амалга оширишни бундан буюн ҳам давом эттириш, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда демократиянинг бошқа умумэтироф этилган қадриятлари ва нормаларининг ишончли ҳимоясини таъминлайдиган

сиёсий тузилмани шакллантиришда улкан аҳамиятга эга.

Асосий Қонунга парламент назорати институти киритилмоқда.

Бош вазир лавозимига номзод парламентда унинг номзоди кўриб чиқиладиган ва тасдиқланаётган пайтда ҳуқуматнинг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақидаги норманинг Конституцияга киритилиши демократик жамиятнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган парламентаризм, кўппартиявийлик тизими ва партиялараро рақобат, фракциялараро курашни янада мустаҳкамлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Қонунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир энг муҳим масалалар юзасидан ҳуқуматнинг ҳар йили ўз маърузаларини парламентга тақдим этиш мажбурияти ҳам назарда тутилмоқда.

Сенаторлар Конституциянинг 98-моддасида Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва ҳуқуқларини аниқлаштиришни ва кенгайтиришни назарда тутадиган нормаларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши муҳимлигини таъкидладилар.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг зиммасига самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий сиёсатни, пул-кредит сиёсатини амалга ошириш, илм, фан, маданият, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ҳамда иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун масъулият юклатилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларининг ишини мувофиқлаштиришда ва йўналтиришда, қонунда белгиланган тартибда уларнинг фаолияти назорат қилинишини таъминлайди. Сенаторлар таъкидлаганларидек, Ўзбекистонни сиёсий ва конституциявий ривожлантириш мантигининг ўзи Вазирлар Маҳкамасининг мустақиллиги ва масъулиятини таъминлашга қаратилган тақозо этмоқда.

Конституциянинг 32-моддасига киритилаётган тузатишлар ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ғоят муҳим вазифаларни ҳал қилишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини анча кучайтиради.



Баркамол авлод тарбиясида ижтимоий ҳамкорлик

➤ Давра суҳбати

Азал-азалдан ҳар қайси ўзбекнинг фарзанд билан ҳаёти тотли, оиласи янада мустаҳкам бўлиб келган. Мустақиллик йилларида ҳаётимиз давомчиларининг ёруғ келагини қуриш, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишига айланди. Давлатимиз раҳбарининг «Соғлом бола йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ҳам ана шу эзгу сиёсатнинг мантиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП ва унинг барча даражадаги партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари ҳамда фаоллари ҳам Давлат дастуридан белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда ўз Ҳаракат дастурига ва иш режаларига ўзгаришлар киритди ва дастур ижросини таъминлашда ижтимоий ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, партиянинг қуйи палатадаги фракцияси ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этган «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросида ижтимоий шериклик мавзусидаги давра суҳбати ҳам бунинг яққол исботидир.

Партия фаоллари, депутатлар, Халқ таълими вазирлиги масъуллари, профессор-ўқитувчилар, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вакиллари иштирок этган давра суҳбатида Давлат дастурида белгиланган устувор йўналишлардаги вазифалар яқдиллик билан қўллаб-қувватланди. Биргаликда амалга оширилиши керак бўлган режа ва лойиҳалар, энг муҳим вазифалар белгилаб олинди. Давлат дастури ижросини таъминлашда партия ва вазирлик ўртадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича мулоҳазалар ўртага ташланди.

Тадбирнинг Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, Ўзбекистон «Адолат» СДП таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг тарафдори сифатида сайловолди дастурида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш ишига муносиб ҳисса қўшиш мақсадини белгиланган.

2 ➤

Камчиликлар етарли, аммо уларни бартараф этиш лозим

➤ Депутатлик гуруҳларида

Бугун давр олдимизга қўяётган янги вазифалар нуқтаи назардан партия фаолиятини янада кенгайтириш, сиёсий куч сифатида жамиятимизда мустаҳкам ўринга эга бўлиш учун партия ташаббускорлигини ошириш,

партия фракцияси ва депутатлик гуруҳлари ишларини янада кучайтириш, улар фаолиятини ташкил қилишнинг янада самарали усулларини топиш зарурати ҳам сезилмоқда.

4 ➤

Тижорат сири ишчи гуруҳи муҳокамасида

➤ Фракциянинг қонун ижодкорлиги

Айни вақтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ҳамда қўмиталарида навбатдаги ялпи мажлис кун тартибига тақдим этилиши режалаштирилаётган қонун лойиҳалари устида қизғин иш кетмоқда. Қонун лойиҳаларини такомиллаштириш бўйича тузилган Ўзбекистон «Адолат»

СДП фракцияси аъзолари ва экспертлардан иборат ишчи гуруҳининг куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан тайёрланаётган тақлифлар яна бир бор кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

2 ➤

Бугунги сонда:

Эрта никоҳ — барчамизни этар оғоҳ

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланади.

6 ➤

Ўзимиздан қўймасин экан...

«Тўйдан кейин тўёнлар ҳисобида бир-икки ой яхши яшадик, кейин муаммо чиқа бошлади. Рўзғор дегани, «ғор» экан, ҳар куни қопда ташисанг ҳам тўлмас экан. Вақтида бирор ҳунарнинг бошини ушламай юраверибман, қийналдим. Кейин... биттасининг гапига учдим, «Четга чиқиб ишласанг, чўмичинг мой устида, оғайни, мана мени кўр», деган эди, шу гапга лаққа тушдим...»

8 ➤

Адолатпарвар Соҳибқирон

➤ Амир Темур таваллудининг 678 йиллиги

Куни кеча нафақат мамлакатимиз, балки дунё тарихида ўчмас из қолдирган, ўз замонасининг буюк жаҳонғири Амир Темур таваллуд топган куннинг 678 йиллиги кенг нишонланди.

2 ➤

Баркамол авлод тарбиясида ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК

Давоми. Бошқ 1-бетдан

Юртимиз ҳар бир фуқаросининг сифатли ва беғул таълим олиши, замонавий мутахассис бўлиб етишиши, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, касб-хунар таълимнинг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш борасида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш партия манфаатларига жавоб беради. Қолаверса, кучли ва манзилли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлиб келаётган Ўзбекистон «Адолат» СДП соғлом бола туғилиши, ривожланиши билан боғлиқ тегишли қонунчиликни янада ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш каби мақсадлар белгилангани Давлат дастури тараққиётимизни янада юксалтиришга, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади, деб ҳисоблайди.

Табиийки, ушбу мақсадларга ижтимоий ҳамкорликсиз эришиб бўлмайди. Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёт ғоялар ва зарарли таъсирлардан ҳимоялаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш, оммавий спортга жалб этишга қаратилган лойиҳаларни биргаликда ташкил этиш самара бермай қолмайди, албатта.

Давра суҳбатида Давлат дастурида энг аввало, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган меъриё-ҳуқуқий



базани янада такомиллаштириш, янги қонун ва қондаларни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирлар белгиланганлиги билан аҳамиятли эканлиги таъкидланди.

— Давлат дастурида соғлом авлодни тарбиялаш бўйича қонунчиликни янада такомиллаштиришга қаратилаётган алоҳида эътибор биз партия фаоллари ва депутатлардан аввало, қонун ижодкорлиги фаолиятимизни кучайтиришни талаб этади, — деди Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси Алишер Ақромов. — Шу билан бирга кун тартибига киритилиши кутилаётган қонун лойиҳалари муҳокамаларида партиямиз электорати ҳисоб-

ланган халқ таълими соҳаси ходимларининг ҳам тақлифлари муҳим аҳамиятга эга. Бугунги давра суҳбатида бу борада ўзаро фикр алмашишга келишиб олдик.

Давлат дастурида йил давомида мактабга таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчиларнинг 6,6 миллионга яқини қуроллаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиши, таркибда йод моддаси бўлган дори-дармонлар воситасида соғломлаштирилиши белгиланган. Мактаб ва мактабга таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустаҳкамлаш тарафдори бўлган Ўзбекистон «Адолат» СДП «Обод турмуш йили»да «Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит» лойиҳасини илгари сурган эди. Узининг юқори самарасини берган ушбу лойиҳага айрим ўзгаришлар киритилган ҳолда соғлом бола йилида ҳам Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда энг чекка ҳудудлардаги мактаб ва мактабга таълим муассасаларида болаларга тиббий хизмат кўрсатиш шартини яхшилаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Иштирокчилар томонидан баркамол авлодни тарбиялашда партия ва Халқ таълими ва-

зирлиги ўртасидаги ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан бир қатор тақлифлар билдирилди. Бунда маънавий-маърифий тарғиботнинг ўрни ва роли, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларни оммавий спорт билан шуғулланишга жалб этиш, кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги айтиб ўтилди. Ёшларни зарарли иллатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, қизларни эрта турмушга узатиш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ каби миллат генофондида таъсир этувчи омилларнинг олдини олиш, бу борада ёшларни тегишли қонунчилик билан таъминлаш каби йўналишларда ишларни амалга оширишга, жойларда семинар ва тарғибот тадбирлари ўтказишга келишиб олинди. Хусусан, «Ёш инноватор — ислохотларга кўмакдош», «Эрта турмушга чиқишга шайланган», «Эътиёт бўлинг, оммавий маданият!», «Спорт — саломатлик элчиси», «Ёшлар ўртасида турли иллатларнинг олдини олиш — соғлом жамият негизи» каби

лойиҳа ва семинарлар шулар жумласидандир. Мазкур тадбирларда партия «Ёш адолатчилар» қаноти иштироки муҳимлиги эътироф этилди.

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори Шариббой Эргашев «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳасининг амалга оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишда таълим сифати ва самардорлигини ошириш, тизимга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тарафдори бўлган «Адолат» СДП билан ҳамкорлик ҳусусида лойиҳа ишлаб чиқиш тақлифини илгари сурди.

Давра суҳбатини бевосита онлайн видео кўприк орқали Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш каби йўналишларда ишларни амалга оширишга, жойларда семинар ва тарғибот тадбирлари ўтказишга келишиб олинди. Хусусан, «Ёш инноватор — ислохотларга кўмакдош», «Эрта турмушга чиқишга шайланган», «Эътиёт бўлинг, оммавий маданият!», «Спорт — саломатлик элчиси», «Ёшлар ўртасида турли иллатларнинг олдини олиш — соғлом жамият негизи» каби

Илбос САҲАТОВ,
«Адолат» мухбири

Тижорат сири ишчи гуруҳи муҳокамасида

Давоми. Бошқ 1-бетдан

Фракциянинг аввалги мажлисларида биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган ушбу қонун лойиҳасининг мақсади тижорат сири тоифасига киритилувчи ахборотларни тизимлаштириш ва тақдим қилиш масалаларини қонуний мустаҳкамлашдан иборат бўлиб, авваломбор, бозор рақобати шароитларида ҳўжалик субъектларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурати билан белгиланади.

Қонун лойиҳасининг яна бир муҳим хусусияти унинг амалдаги қонун ҳужжатларидаги ҳаволавий нормалар сонини камайтиришга қаратилганидир. Лойиҳанинг батафсил мазмун-моҳияти ҳўжалик юритувчи субъектлар, давлат ижро этувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари учун унинг қўлланилиши қулайлигини ҳамда бир хилда тушунилишини таъминлайди. Бу эса қонунлар мукамаллиги ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга таъбиқ этиш механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ партия дастурий ғояларига мос келади.

— Мазкур ҳужжат ҳўжалик юритувчи субъектларнинг самарали фаолият юритиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш билан бирга келгусида ахборот технологиялари, ишлаб чиқариш янгиликлари, ноу-хау ва инновация ривожланишининг рағбатлантирувчи омилли сифатида хизмат қилади, пировардидда иқтисодийнинг ўсиши ва мамлакат равнақи учун ёрдам беради, — деди фракция аъзоси Ойша Ахунова. — Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тижорат сири билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни самарали тарзда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, шу билан бирга тижорат сири эгаларининг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш механизмлари яратишга кўмаклашади.

Ишчи гуруҳи томонидан ривожланган давлатларнинг тижорат сирига оид қонунчилигини ўрганиш натижалари қонун лойиҳасидаги айрим нормаларни қайта кўриб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, қонун лойиҳасининг

17-моддасида қайд этилаётган қондалар мунозарали хусусиятга эга. Масалан, мазкур моддада эр-хотин ёки улардан бири тижорат сирининг мулкдори бўлганда, уларнинг умумий мол-мулки бўлиниши ҳусусидаги низоларда суд тижорат сиридан чекланмаган ҳолда фойдаланиши белгиланмоқда. Бизнингча, эр-хотиннинг умумий мулк тижорат сири ҳосиласидан жамланган бўлсада, мулкий низолар тижорат сирига дахл қилмаслиги лозим. Шу боис ушбу нормани қонун лойиҳасидан чиқариб ташлаш тақлиф қилинди.

— Бугунги кунда махфий ахборот ва тижорат сирига оид нормалар унга алоқадор бўлган бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мавжуд. Шу билан бирга, ислохотлар ва иқтисодий рақобатбардошлиги изчил охиб бораётганлиги, ҳаётимизнинг барча жаҳалари сингари иқтисодий секторига ҳам янгидан-янги инновацияларнинг кириб келаётганлиги тижорат сирини ҳимоя қилиш институтининг мазмун-моҳиятига ягона ҳуқуқий ёндашув зарурлигини, уларни қонун ҳужжатларида бир хилда акс эттириш масаласини кун тартибига қўймоқда, — деди экспертлар гуруҳи вакили, партия фаоли Музаффар Хайитов. — Шу муносабат билан «Тижорат сири тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тижорат сири тоифасига киритилаётган ахборотларни тизимлаштириш ва тақдим этиш масалаларини қонун йўли билан тартибга солишни таъминлашга хизмат қилиши керак. Бундай ёндашув бозорда рақобатлаштириш шароитларида, айниқса, рақобат ноҳилиси ҳусусиятга эга бўлган ҳолларда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатлари ҳуқуқий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш муҳим эканлиги билан изоҳланади.

Йиғилишда ишчи гуруҳи томонидан қонун лойиҳаси юзасидан ишлаб чиқилган 30 дан ортиқ тақлифлар яна бир бор кўриб чиқилди, уларнинг 10 дан ортинини масъул қўмитага тақдим этишга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз



Адолатпарвар Соҳибқирон

Давоми. Бошқ 1-бетдан

Шу муносабат билан Ўзбекистон Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва Халқаро Амир Темурамжармаси ташаббуси билан ташкиллаштирилган «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони» мавзусидаги давра суҳбатида мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида халқимиз маънавиятини юксалтириш, улуғ аждодларимизнинг бой маънавий меросини асраб-авайлаш, ҳар томонлама чуқур ўрганиш, маъно-мазмунини фарзандларимизга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу жиҳатлар Амир Темурнинг ҳаёти, ўғитлари, миллий маънавиятимизни юксалтириш, ёш авлодни аъсо қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мارد ва шижоатли инсонлар этиб тарбиялашда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Давра суҳбатида Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмонов, Темурийлар тарихи давлат музейи директори, Халқаро Амир Темурамжармаси раиси Н.Ҳабибуллаев буюк саркардининг давлатчилик, бунёдкорлик, адолатпарварлик борасидаги улкан ишлари ҳақида маъруза қилишди.

— Мамлакатимиз мустақилликка эришган даврдан бошлаб, Амир Темурамжармаси, унинг давлатчилик тарихини ўрганишга кенг эътибор қаратилди, — деди «Адолат»



СДП Сиёсий Кенгаши раиси Н.Умаров. — Боиси, унинг давлат ва жамият тарихининг турли жаҳаларида тугган ўрнини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Бобокалониимизнинг буюклиги у ўз салтанатини адолат, ҳаққонийлик, одиллик асосида бошқаргани, ҳар бир ишни кенгашиб, ижтимоий адолат таъминлаш асосида амалга оширгани, ислохотларида халқ манфаатдорлигига алоҳида эътибор қаратгани ва бемисл яратувчилик, бунёдкорлик ишларини амалга оширгани билан эътироф этилади.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бугун халқимиз Соҳибқироннинг улугвор ва буюк қадр-қимматини англаб

етмоқда. Ўзбекистон «Адолат» СДП ҳам ташкил топган кундан бошлаб ўз фаолияти давомида улуғ Амир Темурнинг ўғитларидан келиб чиқиб, «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони» тамойилига суяниб келмоқда.

Халқаро Амир Темурамжармаси раисининг ўринбосари Тўлқин Ҳайит Соҳибқироннинг муҳим тарихий хизматларига тўхталар экан, турли мамлакатларни боғловчи савдо қарвонлари беҳатарлиги, оқсоқиллигини таъминлаш, айниқса, Буюк ипак йўли шўратини тиклаш борасидаги сый-ҳаракатлари бу борада муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Натижада шарқ фарб, жануби шимол ўртасидаги элчилик, дипломатик ва

савдо-тижорат муносабатлари янада ривожланган. Бу эса Темурамжармасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий юксалишида ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси А.Раҳмонов мустақил тараққиёт йўлида юртимизда миллий давлатчиликни шакллантириш, халқимиз учун ҳеч қандам кам бўлмаган ҳаёт барпо этиш йўлидаги бетимсол ишлар, буюк бунёдкорлик салоҳиятимиз Амир Темурнинг чуқур маъноли хикматлари, ҳаётий позицияси билан уйғунлигини қайд этди. Зотан, Амир Темурамжармаси адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинлигининг қарор топиши, барқарор тараққиётни таъминлаш, баркамол авлодни

вояга етказиш, ёшлар қалби ва онгига ватанпарварлик, фидойилик, Ватан келажаги учун дахлдорлик, маънавий бедорлик, оғоҳлик ва ҳушёрлик туйғулари чуқур сингдириш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият ва санъат, маънавий-маърифий соҳаларни изчил ривожлантириш каби энг гоя ва тамойиллар бугун мустақил юртимиз миллий тараққиёт йўлининг устувор йўналишларидандир.

Тадбир сўнггида меҳмонлар, ўқувчи-ёшлар маърузалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Феруз ЖўРАЕВ,
«Адолат» мухбири

Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳудудида, шундоққина Сирдарёнинг ўнг соҳилида тарихда машҳур Шоҳруҳия шаҳри осори-атиқалари жойлашган. Маълумотларга кўра, эрамиздан аввалги VI-V асрларда бу ерда Бинкат деб номланган шаҳар қад кўтарди. Ушбу шаҳар Буюк ипак йўлида жойлашган эди. Шаҳарда хунармандчилик, савдо-сотик, карвонсаройлар ва бошқалар ўз даври нуктаи назаридан юқори даражада тараққий этади.

1221 йилги мўғиллар босқинида Бинкат аҳли душманга қарши мардонавор курашди. Уч кеча-кундуз давом этган қонли жанглардан сўнг мўғил қўшини катта талофатлар билан Бинкатни ишғол этиб, шаҳарнинг қулيني кўкка совиради. Тарихчилар ушбу жангга мўғил қўшинлари учдан бир аскардан жудо бўлгани ҳақида маълумот беради.

Орадан қарийб 150 йил ўтган, Амир Темурамжармаси харобалари олдидан ўтаётиб, шаҳар тарихига қизиқиб қолади. Бу ер жуғрофий жиҳатдан ниҳоятда қулай бўлиб, жанубда Покистон, Ҳиндистон, шарқда Хитой, шимолда Шош, водий, ғарбда эса Самарқанд, Хуросон жойлашган эди. Соҳибқирон ушбу жойда қайтадан шаҳар барпо этишга фармон бериб, уни суякли ўғли шарафига Шоҳруҳия, деб номлайди. Шоҳруҳия тез орада йирик шаҳарлар қаторидан ўрин олади. Жами 180 гектар майдонни эгаллаган Шоҳруҳияда хунармандчилик, айниқса қуллоқлик, шимасозлик, темирчилик ва савдо-сотик юксак даражада тараққий этди. Манбаларда шаҳарда тилла ва мис тангалар зарб қилингани ҳақида маълумотлар учрайди.

Яқинда «Адолат» СДП Тошкент вилояти кенгаши «Олтин мерос» жамғармаси ва Темурийлар тарихи давлат музейи билан ҳамкорликда «Шоҳруҳия» ҚФЙдаги Агросаноат касб-хунар коллежида Соҳибқирон Амир Темурамжармаси таваллудига бағишланган тадбир ўтказди. Унда «Олтин мерос» жамғармаси раиси Амиркул Карим, мамлакатимиздаги таниқли мезморлардан Мухаммад Фозилий, Абдуманнон Зияев, Абдуҷаббор Яҳёевлар, «Адолат» СДП Тошкент вилояти кенгаши ходимлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Истиқлол шарофати билан Амир Темурамжармаси тимсолига айланди, — деди Амиркул Карим. — Бу бизга улкан шараф ва гурур бағишлайди. Бугун Амир Темурамжармаси билан қайта бунёд этилган Шоҳруҳия шаҳрини, очик осмон остидаги ушбу музейни келажақ авлодга буюк-бутун етказиш бизнинг бурчимиздир.

Тадбир доирасида иштирокчилар ва Агросаноат касб-хунар коллежи ўқитувчи-ўқувчилари қадимий Шоҳруҳия шаҳри ўрнига саёҳат уюштиришди.

Абдувайит ТўРАЕВ,

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти кенгаши раис ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда

Ушбу модданинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаб берадиган нормаси бу ҳуқуқ давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан ҳам амалга оширилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилмоқда.

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мустақиллигини ва айни вақтда вақиллик органи олдидаги маъсулиятини кучайтириш мақсадида Конституциянинг 103-моддаси вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиш мажбуриятини белгилайдиган норма билан тўлдирилмоқда. Ушбу ҳисоботлар бўйича халқ депутатлари Кенгаши тегишли қарорлар қабул қилади.

Сенаторлар Конституциянинг 117-моддасига қиритилаётган тузатишлар алоҳида аҳамиятга эга-лигини ҳам кўрсатиб ўтди. Бу тузатишлар парламент томонидан тузиладиган мустақил конституциявий орган сифатидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ташкил этиш, унинг ишлари ва мақомининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаб қўйди. Конституцияда Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг мустақиллиги, қонунийлиги, коллегиялиги, ошқоралик, одилликдан иборат асосий принциплари мустаҳкамланмоқда. Буларнинг барчаси сайлов тизимини янада демократлаштириш йўлидаги муҳим кадамдир. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўзга чиққан сенаторлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган Қонуннинг қондалари чет эллик сиёсий ар-боблар ва мутахассислар томонидан юқори баҳоланганлигини, улар бу янгиликлар энг демократик талабларга ва умум-этироф этилган халқаро стандартларга мослигини таъкидлаётганликларини кўрсатиб ўтди.

Шундан кейин сенаторлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги

Қонунни кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Ушбу Қонунга мувофиқ амалдаги қонун ҳужжатларининг нормалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига қиритилган тузатишларга мувофиқлаштирилди.

Юқоридаги қонунларни муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар қайд этганларидек, уларнинг қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислохотларни изчил рўёбга чиқариш мамлакатнинг барқарорлиги ва унинг ривожланишини таъминлашдаги ҳал қилувчи омил бўлади. Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбарининг мамлакатни янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ташаббусларини амалга ошириш муҳим халқаро аҳамиятга эга.

Сенаторлар халқаро вазият нуктаи назардан келиб чиқиб, бугун жаҳон ҳамжамияти қатори Ўзбекистон ҳам Украина ва унинг атрофидаги вазиятдан ташвишланмаслиги мумкин эмаслигини таъкидладилар. Сенаторлар ушбу масала бўйича Ташқи ишлар вазирлигининг шу йил 4 ва 24 мартдаги баёнотларида билдирилган позицияни қўллаб-қувватлаб, Украинада юз бераётган воқеалар аҳолининг жиддий мурақаблашувига ҳамда қарама-қаршиликка олиб келгани баробарида, улар тангликнинг янада кучайишини, олдиндан айтиш мумкин бўлган оқибатларни келтириб чиқариши, мамлакат суверенитети ва ҳудудий ахиллигига жиддий ҳавф солиши мумкинлиги Ўзбекистонда чуқур ҳавотир ва ташвиш уйғотмаслиги мумкин эмаслигини қайд этдилар.

Сенаторлар юзага келган вазиятнинг бартараф этилишини, энг аввало, куч ишлатишлар қўлланилишидан воз кечилган ҳолда, вужудга келган муаммолар тинч йўл билан, сиёсий воситалар ва саъй-ҳаракатлардан фойдаланилган тарзда, халқаро ҳуқуқнинг асосий меъёрларига ҳамда БМТ Низомига асосланган ҳолда, музокара йўли билан ҳал этилишида кўрилади, деган фикрни билдирдилар.

Сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ижро этиш юзасидан тайёрланган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқдилар.

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган конституциявий ҳуқуқларини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштиришга, улар фаолиятининг шаффофлигини, очиқлигини таъминлашга, шунинг-

дек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар сифати учун жавобгарлигини оширишга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا мувофиқ ишлаб чиқилган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни янги тахрирдан кўриб чиқдилар.

Қонун корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатларини, ҳуқуқлари ва масъулиятини янада аниқ белгилаб қўйиш, бозор муносабатларини қўллашнинг шунингдек, умумий йиғилишлари ва тафтиш комиссияларининг ролини ҳамда аҳамиятини оширишга, акциядорлик компаниялари фаолиятининг шаффофлигини ва ҳамма акциядорлар ва потенциал инвесторлар учун акциядорлик жамиятлари фаолиятига доир ахборотдан фойдаланиш имкониятини оширишга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, Қонун бозор ислохотларини янада демократлаштиришга ҳамда акциядорлик жамиятларининг фаолиятини либераллаштиришга, корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга, ўрта мулкдорлар синфининг иқтисодий-ҳақимиятини ва иштирокини оширишга, молия бозорига рақобатни янада чуқурлаштиришга, мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга ёрдам беради. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқдилар. Ялпи мажлисда ушбу Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар ўзaro ҳамкорлигининг самарадорлигини оширишга, уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилиши, кўрилаётган чораларнинг

тизимлигини ва батариблигини таъминлашга, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга солишдан кўра кўпроқ ҳуқуқий нормаларни бирхиллаштиришга қаратилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Парламент юқори палатаси вакилларининг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилишини таъминлаш имконини беради, жойларда ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлашга, жамоат тартиби сақланишини, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлайдиган самарали, кўп босқичли профилактика тизимини яратишга ёрдам беради.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 30 ноябрдаги «Судларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва 2012 йил 29 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши қондаларини амалга ошириш доирасида тайёрланган янги тахрирдаги Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқдилар.

Мажлисда қайд этилганидек, ушбу Низомининг нормалари судьялар лавозимларига номзодларни танлаш, тайёрлашнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари тизимини, барча даражалардаги судьяларнинг малака коллегиялари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштиришга, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам кўриб чиқдилар. Қонуннинг асосий мақсади ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ва суд ҳуқуқ соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Қонун билан бир қатор қонунларга: «Нотариат тўғрисида»ги, «Алоқа тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатларини ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги, «Ҳўжалик юритуви субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, «Қонун лойиҳаларини

тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги, «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги қонунларга, Жиноят, Фуқаролик кодексларига, бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб, тасдиқладилар. Омбудсманнинг ўтган йилдаги фаолияти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан парламент назоратини чуқурлаштириш чораларини амалга оширишга, бу соҳадаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилишига ёрдам беришга қаратилганлиги қайд этилди.

Ҳуқуқий маданиятни ошириш ва фуқаролик жамияти институтларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд тузилмалари билан ўзарo ҳамкорлигини кучайтириш, улар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмининг такомиллаштириш бўйича қатор тадбирлар рўёбга чиқарилди.

Омбудсман томонидан фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини мустақил равишда тўғрисидаги шикоятлари ва муножаатларини кўриб чиқишга, бу ҳуқуқ ва эркинликларни тиклаш бўйича қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор берилди. Сўнгги вақтларда муножаатларни электрон почта орқали қабул қилиш амалиёти кенгайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида «муножаатларнинг бошқа шакли» — Омбудсман ва унинг Котибияти ходимларининг шахсий қабули ҳам кенг амал қилмоқда.

Муҳокама асосида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор истак ва тавсияларни баён этдилар.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн тўртинчи ялпи мажлисининг биринчи иш кўни тугади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ТАРКИБИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 676-сонли Қарорига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 176-модда; 1999 йил, № 1, 27-модда; № 9, 239-модда; 2001 йил, № 9-10, 194-модда; 2004 йил, № 5, 101-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 3-4, 116-модда; № 5, 180-модда; 2007 йил, № 6, 255, 291-моддалар; № 8, 374, 383-моддалар; 2010 йил, № 3, 103-модда, № 8, 314-модда) қисман ўзгартишлар киритиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2014 йил 3 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 890-II-сонли ва 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 892-II-сонли қарорлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари этиб сайлансин:

Абдувахитов Абдуҷаббар Абдусаттарович — Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ректори
Абдуназаров Олимжон Тоштемирович — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Сурхондарё вилоятидаги назорат-тафтиш бошқармаси бошлиғи

Артикова Светлана Баймирзаевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси раиси

Курбанкулов Суяржон Машарипович — Ўзбекистон ногиронлар жамияти раиси

Мирзаев Абдуманоб Кучкарович — Фарғона вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси раиси
Норов Жалил Халилович — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг Навоий вилояти бўлими раиси

Ражабов Эсанбай — Қашқадарё вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси

Сирожидинов Шухрат Самаридинович — Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори
Фаттоев Ёқуб Талабович — Бухоро вилояти Пешку-тумани «Фаттоев» фермер ҳўжалиги раҳбари
Ходжакулов Эркин Гайбуллаевич — Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари М.Х.Ахмедов, А.Дусбаев, Ю.У.Қараев, С.С.Қасимов, Г.Р.Қустамов, К.Тогаев, М.С.Ходжаев, Ҳ.Ш.Холов, А.Ширинов, С.Х.Шуқуров, К.Т.Осупов ва М.К.Якубованин ваколатлари ўзлари берган аризаларга биноан тугатилган деб ҳисоблансин.

4. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига юборилсин.

5. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қўлдан кирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 10 апрель

Давлат идоралари очиқлиги


Иновацион гоғлар амалиётга!

Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармаси раҳбар, мутахассислари иштирокида йилнинг I чораги аяқларига бағишлаб оммовий ахборот воситалари ходимлари билан бўлиб ўтган матбуот конференциясида «электрон ҳуқуқ»нинг афзалликлари алоҳида таъкидланиб, солиқ ҳисоботларини топшириш мажбуриятига эга бўлган корхоналарнинг 22 минг 852 таси ёки 98 фоизи ахборот-коммуникация технологиялари хизматида фойдаланаётгани маълумот тарзида келтириб ўтилди. Анжуман тафсилотлари-ю унинг фойдали жиҳатларига кейинроқ тўхталсак-да, аввал битта саволга ойдинлик киритсак.

Тадбиркорлик субъектларида, шу жумладан, фермер ҳўжаликларида АКТлардан фойдаланиш фаолият самарадорлигига қандай таъсир кўрсатмоқда? «Навобод насли парранда» кўптармоқли фермер ҳўжалиги Самарқанд туманида инновацион технологияларни биринчилардан бўлиб ўз тажрибасида синиб келаётган тадбиркорлик субъектларидан ҳисобланади. Жамоа бугун фермер ҳўжалигининг электрон сайти орқали эликдан ортқ юридик миҳоз билан ўзарo муносабатга кириша олган. Солиқ, статистика ҳисоботлари, боғжона декларацияларини электрон тарзда узатиш фермерлик субъекти учун оддий

ҳолга айланган. Жамоа раҳбари Шохруҳ Абдураупов энди ўз электрон имзосидан фойдаланиб, хорижий давлатлардаги шериклар билан шартномавий муносабатларни йўлга қўйиб олмоқда. Хусусан, Голландия ва Германиядаги тадбиркорлар билан насли парранда тухуми ва озука бирикмалари ҳамда зарур технологияларни харид қилиш бўйича амалга оширилган келишувлар бу фикрнинг тасдиғидир.

— Биз фермерлик фаолиятига замон талаби даражасида ёндашишга ҳаракат қилаёلمиз, — дейди жамоа раҳбари Ш.Абдураупов. — Шунинг учун оз куч, кам сонли мутахассислар билан кўпроқ ишни бажараямиз. Ви-



лоятдаги шахсий ёрдамчи декан ҳўжаликлари ҳам насли парранда, ҳам озука етказиб бераёلمиз. Бир йўла боғдорчилик, балкичилик билан шуғулланаёلمиз. Ҳимизга керакли бўлган ҳамма техникани сотиб олган-

фермерни фаолликка чорлайди

қация тармоғидан излаймиз. Вақтимиз тежалади, кўпроқ маълумотга эга бўлаёмиз. Танлаш имконияти пайдо бўлади. Фермер ҳўжалигининг ўзига хос ютуғи ҳам шунда.

Самарқанд туманидаги яна бир тадбиркорлик субъекти — «Оқ амур балиқлари» фермер ҳўжалиги ҳам фаолиятга нисбатан худди шундай талабчанликни, манфаатли ёндашувни сезиш мумкин.

— Ўтган йилги мавсумда вилоятдаги бозорларга 15 тонна арзон ва сифатли балиқ етказиб бердик, — дейди жамоа раҳбари Комил Халимов. — Шу билан биргаликда вилоятда эндигина иш бошлаётган ҳамкасб фермерларга 20 тонна балиқ чавоклари ҳам сотилди. Мухими миҳозлар бизни қаердан, қачон излаб топшини яхши билишди. Фаолиятимизга доир барча маълумотларни электрон сайтимизга жойлаштирганмиз.

— «Электрон ҳуқуқ» бизга Европадаги, хусусан Голландиядаги ҳамкорларимиз билан ишончли алоқа ўрнатилишига имкон бермоқда, — дейди «Оғалк олтин боғлари» фермер ҳўжалиги мутахассиси Санъат Тангенов. — Шу тўғрисида 600 гектар майдонда интенсив боғ парваришга юксак самарадорликка эришяёмиз.

Мана сизга фермерларнинг ўз имкониятига берган баҳоси. Ана энди солиқ бошқармасида

ўтган матбуот конференцияси тафсилотларига қайтсак. Анжуманда Давлат солиқ кўмитаси томонидан жорий этилган яна битта муҳим янгилик матбуот ҳодимлари томонидан кенгроқ тарғиб этилиши мақсадида алоҳида эътироф этилди. Яъни, 2014 йилнинг 1 мартдан бошлаб «Тижорат учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган яққа тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш» хизмати ягона интерфаол давлат хизматлари порталдан жой олди. Энди солиқ идоралари томонидан жамаи 31 та интерфаол хизматлар тадбиркорлик субъектларига танаффусиз тақдим этилмоқда.

Дарвоқе, бошқарувда очиқликни таъминлаш давлат солиқ идоралари фаолиятида асосий мезонга айланиб улгургани этиборга лойикдир. Шу мақсадда «Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахслари қабулига ёзилиш» бугун электрон тарзда амал қилмоқда. Яъни, тадбиркор, фуқаро тегишли мансабдор шахсни танлаши, унинг қабулига ёзилиши мумкин.

Энди тадбиркорлар томонидан солиқ идораларига ҳисоботларнинг электрон тарзда топширилишига келсак, масалани аҳамияти фақатгина кўрсаткич ва фойзалардан иборат эканлигида эмас. Аксинча, ҳар бир фуқаро ёки аниқроғи солиқ тўлов-

чи электрон ҳисоботнинг афзаллиги ва қулайлигини тушуниб этиши ҳамда бу ишга ўз фаолиятининг ажралмас қисми сифатида қараш зарурлигида. Шу мақсадда солиқ идораси томонидан фуқаролар ўртасида керакли тарғиб-ўрнатилиш ишлари олиб борилмоқда, амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Биргина жорий йилнинг 1 апрелига қадар вилоятда 20 та ахборот-технология маркази ташкил этилганлиги қўллаб тадбиркорлик субъектлари билан алоқа боғлаш имконини берди. Бундай марказ тузиш бугун ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси Ахборот хизмати раҳбари Сулаймон Хусановнинг журналистларга берган маълумотларидан аниқлашдикки, мазкур нуфузли идора фуқаронинг ҳар битта алоқа боғлаш доимо сезгир, хозиржаов. АКТлар тизимида янги интерфаол хизматларнинг жорий этилиши эса ана шу хозиржаовликини янада оширмоқда. Солиқ тўловчининг асосли муножаати бўйича бугун қарор қабул қилиниш шарт сифатида қўймоқда. Раҳбарнинг шахсий маъсулиятини кучайтирмоқда. Бу эса бошқарувда фаолиятни такомиллаштиришнинг энг катта ютуғи.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
«Adolat» муҳбири

Камчиликлар етарли, аммо уларни бартараф этиш лозим

Давом. Боши 1-бетда

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Қашқадарё вилояти кенгаши депутатлик бирлашмалари фаолиятини тубдан кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Табиийки, партиямиз ҳаётида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши партия электорати манфаатларидан келиб чиқиб, депутатлик гуруҳлари олдига бир қатор вазифаларни қўйди. Биринчи навбатда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг қонунлар лойиҳаларини электорат орасида муҳокама этиш тажрибасини янада такомиллаштириш зарурлиги белгиланди. Иккинчидан, парламент назоратини кучайтиришда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари зиммасига фракция билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш вазифаси юклатилди. Бундан ташқари, халқ депутатлари Кенгашлари сессияларида мансабдор шахсларнинг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш амалиётини янги босқичга кўтариш талаб этилмоқда. Ҳозир, маҳаллий ижро ҳокимияти Кенгашларнинг таъсирини, шунингдек, бизнинг партиямиз позициясини ҳис қилсин. Шунини таъкидлаш жоизки, ҳар бир сиёсий партиянинг муайян даврдаги иш фаолиятининг пировард натижаси, аввало, бўлиб ўтган сайловларда ушбу партия номзодларига овоз берган электорат манфаатларига нечоғли хизмат қилганлиги билан ўлчанади. Шунини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда партиямиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган 28 нафар депутатларнинг фаолияти партия электорати ва партиямиз аъзолари эътиборида турганлигини алоҳида эътироф этиш зарур. Мазкур вазиятни ҳисобга

олиб партия гуруҳларимиз олдига маҳаллий Кенгашнинг ҳар бир сессияси кун тартибига ўз ташаббуси билан камида биттадан масала киритиб боришига эришиш вазифасини қўйди. 2014 йилга мўлжалланган партия Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишларнинг таҳлили билан таништирадиган бўлсам, жойларда учраётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, қорхона, ташкилотлар раҳбарларига 70 та депутатлик сўрови юборилган.

Партия Ҳаракат дастурида белгиланган ва бошқа вазифаларида амалга ошириш мақсадида улар томонидан жойларда партиямиз электорати манфаатига қаратилган қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар ўрганилди. Бу борада халқ депутатлари Муборак, Шаҳришабз ва Китоб туман Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз фаоллик кўрсатишган бўлса, бошқа ҳудудий Кенгашлардаги вакилларимизда, афсуски, ташаббускорлик этишмади. Халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари биринчи чорак мобайнида ўз йиғилишларида жами 20 дан зиёд масалани муҳокама қилди. Партия гуруҳлари ташаббуси билан электорат манфаатларига доир 7 та масала доимий комиссияларда кўриб чиқилди. Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагида депутатлик гуруҳларимиз томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ишлашни яхшилаш масалалари тўғрисида, «Аҳолининг кам таъминланган қатламларининг ижтимоий ҳолатини кучайтириш

қаҳида» каби масалалар тегишли доимий комиссияларда муҳокама этилган бўлсада, уларни сессия кун тартибига олиб чиқишда депутатларимизда қатъият этишмапти. Ваҳоланки, вилоятда, шу жумладан, унинг барча шаҳар ва туманларида депутатлар, депутатлик гуруҳлари эътибор қаратиши лозим бўлган масалалар, электорат манфаатларига доир муаммолар талайгина.

Жумладан, Президентимизнинг 2013 йил яқунлари ва 2014 йилнинг устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида оилавий бизнесни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қурилишини жадал давом этириш, касб-хунара коллежлари битирувчиларини ишга тўлиқ жойлаштириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган.

Шундай экан, депутатлик гуруҳлари ҳам асосий эътиборни аҳолининг даромадларини изчиллик билан оширишга йўналтирилган қонун ҳужжатлари, «Соғлом бола йили» ва «Бандлик» дастурлари ижросида, мансабдор шахсларнинг бу борадаги ҳисоботларини эшитишга, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришга қаратиш зарур, деб ўйлайман. Шу билан бирга, бугунги кун электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни янада кучайтириш талаб қилмоқда. Жумладан, партия гуруҳлари ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, жойлардаги муаммоларни очик-ойдин таҳлил қилиб, шу асосда маҳаллий ижро ҳокимиятига ҳулоса ва таклифлар бериш, муаммоларни улар олдига қатъий қўйиш зарур. Таъкидлаш жоизки, олдинги йиллари қабул қилинишига эришган қарорларимизнинг қандай ижро этилаётгани билан кўп ҳолларда қизиқмаёғимиз. Аслида сессия муҳокамасидан кейин жойларда аниқ ишлар олиб борилиши, муайян муаммоларнинг ҳал

этилиши биз учун жуда муҳимдир.

Ҳаммамизга яхши маълумки, давлатимиз раҳбарининг Конституцияни қабул қилинганлигининг 21 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида мамлакатимизда олиб борилаётган Конституциявий ислохотларни сезиларли даражада чуқурлаштириш, Олий Мажлисининг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини янада кенгайтириш, Вазирлар Маҳкамасининг, умуман, ижро ҳокимиятининг жавобгарлигини, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтиришга доир долзарб ғоялар илгари сурилди. Хусусан, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин ошириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилга айланмоғи кераклиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан парламент муҳокамасига қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини эса Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида амалга оширилган ўзгаришларнинг узвий давоми бўлмоқда. Бу қонун орқали сиёсий партиялар, шу жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП электорати манфаатини вакиллик ҳокимиятига самарали ҳимоя қилиши учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланмоқда.

Айни пайтда шу асосда жойларда партиямиз фаоллари ва депутатлар иштирокида янги қонун лойиҳасини кенг ту-



Абдуғ'ахбор АҲМЕДОВ, халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП депутатлик гуруҳи раҳбари

шунтириш юзасидан фуқаролар билан учрашувлар ташкил этилапти.

Хусусан, шу мавзуда Чирокчи туманидаги «Қалқам», «Галабек», «Чамбил», «Лангар», «Қуруқсой» маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан ўтказилган учрашувлар бунинг ёрқин далилидир.

Мухтасар айтганда, сиёсий партиялар учун муҳим палла бўлган жорий йилда олдимизда ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган қатор масалалар турибдики, уларни ўз вақтида ҳал этмасак, сайловлар пайтида уялиб қолишимиз ҳеч гап эмас.

Демак, бугунги ислохотлар ва тараққиётнинг ҳозирги босқичи қўяётган талаблар фаолиятимизни яна бир бор таҳлилий ўрганиб, партиянинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтириш, мамлакат ҳаётидаги турли ижтимоий-сиёсий масалалар юзасидан аниқ позициясини шакллантириш бориси лозимлигини кўрсатмоқда. Бу борада, айниқсан, партия фаоллари ва депутатлар олдига электорат манфаатларини тизимли равишда ўрганиб, таҳлил этиб бориш ҳамда ўтмиш қилиш билан боғлиқ ўта муҳим вазифалар турибди.

Пленум
Шу кунларда Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши XI пленумида кўрилган масалалар ва олинган ҳулосалар асосида ҳудудий партия кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтмоқда.

Ташаббускорлик янги ютуқларга етаклайди

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия кенгашининг навбатдаги пленумида партия ташкилотларининг туманлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги иштироки, «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлари ҳамда партия дастурий ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижроси танқидий жиҳатдан кўриб чиқилди.

Пленумда ўз вақтида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмаган айрим туман партия ташкилотлари фаолияти танқид қилинди, қисқа муддатларда вазиятни ўзгартириш чораларини кўриш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, депутатларнинг партия органлари олдигаги ҳисобдорлигини таъминлаш доирасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи ўз фаолияти юзасидан ҳисоботини ўқиб эшиттирди. Таъкидланганидек, ўтган йилда депутатлик гуруҳи ўз фаолиятини партия дастури доирасида амалга ошириб, электорат манфаатларига қаратилган 13 та масалани доимий комиссиялар муҳокамасига, учта масалани Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясига киритиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришган. Иккита масала юзасидан ижроия ҳокимият раҳбарларининг ҳисоботи эшитилган бўлса, партия Сайловолди дастури ижроси ва фуқаролар муражотлари асосида 34 мартаба депутатлик сўрови ваколатларидан фойдаланилди.

Пленумда шаҳар партия ташкилот раҳбари П.Пармановнинг «Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгашининг 2013 йилдаги фаолияти ва 2014 йилга мўлжалланган устувор йўналишлари тўғрисида»ги маърузаси тингланди.

Маърузада таъкидланганидек, 2013 йил Тошкент шаҳар партия кенгаши фаолиятида ютуқларга бой бўлди. Ҳисобот даврида биринчи навбатда БПТларни фаолиштириш, депутатлик бирлашмалари ташаббускорлиги ва амалий ишларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, ҳисобот даврида Тошкент шаҳар партия кенгаши ўз фаолиятида кенг жамоатчилик орасида партия нуфузини ошириш чораларини кўрди. Тадбирлар ва уч-

рашувлар айнан шу масалага йўналтирилди.

572 та маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзуларда тадбирлар ташкил этилиб, уларда жами 30 мингга яқин киши иштирок этди. Партия ташкилоти фаолиятини ОАВда ёритиш даражаси ўсди.

2014 йилда партия олдига улкан ва масъулиятли ташкилий-партиявий вазифалар турганлиги қайд этилиб, олдinda ҳисобот-сайлов кампанияси ва ундан сўнг барча даражадаги вакиллик органлари партия сайловлар жараёни кутанглигига иштирокчилар эътибор қаратилди. Партиянинг ушбу йилги тадбирларида барча кўчаларни сафарбар этиши, партия тузилмаларида ишни пухта ташкиллаштириши, кадрлар ва фаолларнинг мақсадли ҳамда самарали фаолият кўрсатишларини талаб қилиши таъкидланди.

Шу муносабат билан туман партия кенгашлари раислари ташкилий-партиявий ва сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда БПТларнинг нуфузи ва маъқини ошириш учун барча чораларни қўллашлари, улар томонидан кўрсатилаётган ташаббус ва аниқ амалий ишларни кўпроқ тарғиб қилишлари, етакчилар таркибидан кадрлар захирасини шакллантиришлари, «Адолат» ҳаётимизнинг бош мезони» сайловолди платформасида, «Соғлом бола йили» Давлат Дастурида, партия Сийёсий Кенгаши қарорларида белгиланган вазифалар ижросида БПТлар иштирокининг партия ахборот майдонига кенг тарғиб қилинишини таъминлаш лозимлиги юзасидан вазифалар белгилаб олинди.

Давлатимиз сўзга чиққанлар пойтахтда партия позициясини мустаҳкамлаш ва таъсир доирасини кенгайтириш юзасидан ўз тақлифларини билдириб, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтиришга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар.

Пленум сўнггида кўрилган барча масалалар юзасидан партия фаолларининг фикр-мулоҳазалари, тақлиф-таъсиялари тингланди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бобир ОТАМУРДОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби

Энг яхши бизнес лойиҳалари бўйича танлов ғолиблари эълон қилинди

Молия муассасаларида
Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда, давлат ва жамиятимиз ривожига кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик етакчи ўринни эгаллайди. Мазкур соҳага ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилаётгани ва кенг имкониятлар яратилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада молия муассасаларининг хизмати ҳам катта бўлмоқда.

Бугунги кунда тижорат банкларининг юридик ва жисмоний шахсларга, бизнес тузилмаларига кўрсатиши лозим бўлган хизмат турлари кўпаяётгани ҳам шундан далолат беради. Маълумки, кейинги бир йилда банкларнинг амалдаги операциялари ва хизмат турлари сифат жиҳатидан такомиллашди. Кичик тадбиркорлик тузилмаларини кредитлаш тартиби соддалаштирилиб, банк иши соҳасида руҳсатномалар бериш тартиби янада эркинлаштирилди. Натижда банк хизматларидан фойдаланиш даражаси тобора юксалмоқда. Банк тизимида имтиёз ва қулайликлар ҳажми кенгайгани тадбиркорлар ва аҳолига катта имконият яратмоқда.

Бундай хайрли ишларга «Ипотека-банк» АТИБ ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Жумладан, жорий йилда «Ипотека-банк» томонидан кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг энг яхши бизнес лойиҳалари бўйича танлов эълон қилинган эди. Ушбу танловда республика бўйича қўллаб-қувватловчи лойиҳалари билан иштирок этишди ва қуйидагилар ғолиб топилди:

1. «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Zetomaksimum» МЧЖ (Тошкент шаҳри)
2. «Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «White Dragon» ХК (Жиззах вилояти)
3. «Хунармандчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — ЯТТ «Юсупова Нилуфар» (Фарғона вилояти)
4. «Хунармандчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — ЯТТ «Джалолова ва Мунаввар» (Наманган вилояти)
5. «Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Mahliyo textile» МЧЖ (Хоразм вилояти)



«Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Erkatoy Bolajon» МЧЖ (Бухоро вилояти)

4. «Она ва болаларга медицина хизматлари кўрсатувчи энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Gulmed servis» МЧЖ (Қорақалпоғистон филиали)

5. «Она ва болаларга медицина хизматлари кўрсатувчи энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Самарқанд Универсал Мед Фарм» ХК (Самарқанд вилояти)

6. «Ёшларнинг фермерлик фаолияти бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Холиёр бобо» ФХ (Сурхондарё вилояти)

7. «Ёшларнинг фермерлик фаолияти бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Shaxzod-2000» ФХ (Навоий вилояти)

8. «Ёшларни ўқитиш тизимини ташкил қиладиган энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Karving master» НТМ (Тошкент шаҳри)

9. «Ёшларни ўқитиш тизимини ташкил қиладиган энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Ибодулло Дил Мирзо» ХК (Олмалиқ шаҳри)

Қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар:

1. «Банкинг кредит маблағлари ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилган энг яхши ёш тадбиркор лойиҳаси» номинацияси ғолиби — «Kamalak Shabnam teks» МЧЖ (Бухоро филиали)
2. «Банкинг кредит маблағлари ҳисобига ёшларни қонунчиликка кўра иш билан таъминлаш борасида салмоқли хисса қўшган энг яхши тадбиркор лойиҳаси» номинацияси ғолиби — «Улуғ Хушрав» МЧЖ (Олмалиқ шаҳри)
3. «Ипотека-банк» филиаллари билан жойларда ёшларни узвий боғлаб турган энг яхши «Қамолот етакчиси» номинацияси ғолиби — «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши тавсиясига кўра «Қамолот» ЁИХ Бухоро вилояти Кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Тўраев Ҳикматулло Ҳамроевич
4. «Ипотека-банк» филиаллари орасида ёшларга энг кўп хизматлар (кредит ва бошқа банк хизматлари) кўрсатган банк филиали — «Ипотека-банк» Фарғона вилоят филиали

Кеча пойтахтимиздаги «Қўрғазма савдо маркази» мажмуасида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VII «BankExpo — 2014» миллий кўрғазмасида мазкур танлов номинанциялари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва совғалар топширилди.

Халқ фаровонлиги йўлида

Жорий йилнинг 9-10 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Қўрғазма савдо маркази»да банк хизматлари, ускуналари ва технологиялари VII «BANKEXPO — 2014» миллий кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Тадбирда республикамизда фаолият юритаётган барча тижорат банклари, ийрик сугурта, лизинг ва инвестиция компаниялари ўзларининг энг янги технологиялари ва хизматлари, шунингдек, молия муассасалари учун ахборот технологиялари ишланмаларига иxtisosлашган компаниялар ўз махсулотларини намойиш этишди.

— Қўрғазмининг асосий йўналиши «Соғлом бола йили» Давлат дастури ва мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш, хусусан, кичик тадбиркорлик субъектлари, оилавий бизнес, ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаш етапида бўлган таълим муассасалари битирувчиларига тақлиф этилаётган банк хизматлари юзасидан маълумот ва тавсиялар беришга қаратилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Матбуот хизмати раҳбари Аскар Хайдаров.

Қўрғазмада кичик бизнес ва ҳусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга, таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган лойиҳалар бўйича танлов ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Шунингдек, молиявий муассасаларга қулайлик яратувчи, миқозларни интернет орқали жалб қилишни замонавий усулларини ўз ичига олувчи янги лидогенерация тизими тақдироти ҳам ўтказилди.

С.СОДИҚОВА, «Адолат» муҳбири



IPOTEKA BANK

neotek | CLICK | TOP-Contact | newmax

ANDUZ | BISoft MULTIMEDIA | itafakt | DEKOS

NEWS | BPC | Book.uz

«Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «White Dragon» ХК (Жиззах вилояти)

«Хунармандчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — ЯТТ «Юсупова Нилуфар» (Фарғона вилояти)

«Хунармандчиликни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — ЯТТ «Джалолова ва Мунаввар» (Наманган вилояти)

«Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Mahliyo textile» МЧЖ (Хоразм вилояти)

«Аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти борасидаги энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Erkatoy Bolajon» МЧЖ (Бухоро вилояти)

«Она ва болаларга медицина хизматлари кўрсатувчи энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Gulmed servis» МЧЖ (Қорақалпоғистон филиали)

«Она ва болаларга медицина хизматлари кўрсатувчи энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Самарқанд Универсал Мед Фарм» ХК (Самарқанд вилояти)

«Ёшларнинг фермерлик фаолияти бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Холиёр бобо» ФХ (Сурхондарё вилояти)

«Ёшларнинг фермерлик фаолияти бўйича энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Shaxzod-2000» ФХ (Навоий вилояти)

«Ёшларни ўқитиш тизимини ташкил қиладиган энг яхши лойиҳа» номинацияси ғолиби — «Karving master» НТМ (Тошкент шаҳри)

«Ёшларни ўқитиш тизимини ташкил қиладиган энг яхши лойиҳа» номинацияси совриндори — «Ибодулло Дил Мирзо» ХК (Олмалиқ шаҳри)

Қўшимча номинациялар бўйича ғолиблар:

1. «Банкинг кредит маблағлари ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилган энг яхши ёш тадбиркор лойиҳаси» номинацияси ғолиби — «Kamalak Shabnam teks» МЧЖ (Бухоро филиали)
2. «Банкинг кредит маблағлари ҳисобига ёшларни қонунчиликка кўра иш билан таъминлаш борасида салмоқли хисса қўшган энг яхши тадбиркор лойиҳаси» номинацияси ғолиби — «Улуғ Хушрав» МЧЖ (Олмалиқ шаҳри)
3. «Ипотека-банк» филиаллари билан жойларда ёшларни узвий боғлаб турган энг яхши «Қамолот етакчиси» номинацияси ғолиби — «Қамолот» ЁИХ Марказий Кенгаши тавсиясига кўра «Қамолот» ЁИХ Бухоро вилояти Кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Тўраев Ҳикматулло Ҳамроевич
4. «Ипотека-банк» филиаллари орасида ёшларга энг кўп хизматлар (кредит ва бошқа банк хизматлари) кўрсатган банк филиали — «Ипотека-банк» Фарғона вилоят филиали

Кеча пойтахтимиздаги «Қўрғазма савдо маркази» мажмуасида банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари VII «BankExpo — 2014» миллий кўрғазмасида мазкур танлов номинанциялари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ғолибларга имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат ва совғалар топширилди.

Банк матбуот хизмати


Ҳудудий партия ташкилотларида

Электорат манфаатлари ҳимоясида

БПТларнинг роли муҳим

Уқув-семинар

Бошланғич партия ташкилотлари сафларини ёш, истиқболли, ташаббускор ва замонавий фикрлайдиган кадрлар билан тўлдириш мамлакатимизда фаолият юритаётган барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон «Адолот» СДПнинг асосий мақсад ва вазифаларидан биридир. Чунки электорат манфаатига дахлдор ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганишда бошланғич партия ташкилотлари имконияти бекиёс. Бу эса партия кадрларининг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-маърифий билимларини янада ошириш, партия ғояси ва мафкураси, дастурий мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилишнинг замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишни талаб этади.



Уқув-семинарда қўшниқлар билан мулоқот қилиш

Семинар ишида айнан ана шу йўналишда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар: партиянинг ўз электорати билан ишлаш масалаларини такомиллаштириш, куйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш, етакчиларнинг вазифаларини тўғри белгилаш, уларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, ўтказилаётган тадбирлар мазмун-моҳиятини бойитиш услублари хусусида сўз юритилди.

— Бугунги кунда Жиззах вилоятида партиянинг 3150 нафарга яқин аъзоси 76 та БПТга бирлашган, — деди вилоят партия кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Рустам Тўйчиев. — Биз уларнинг сиёсий билимларини оширишдан, нотиклик маҳоратини кучайтиришдан туриб кўзланган мақсадга эриша олмаймиз.

Эътироф этилганидек, партия ғояси ва мафкурасини тарғиб қилишда партия етакчилари ва депутатларнинг нотиклик маҳорати ҳам муҳим аҳамият касб этади. Партия фаоллари ва етакчилар аҳоли орасида бўлганда, турли тadbир ва учрашувларда доимо партия номидан гапирди. Сайлов жараёнида теледебат ва мулоқотларда, бир сўз билан айтганда, жамият ҳаётида фаол иштирок этади. Шу боис, уларнинг нотиклик маҳоратини ошириш бугунги кун талабидир. Ҳар бир партиянинг фикр-мулоҳазалари, дунёқара-

шига қараб сайловчи бутун партия фаолиятига баҳо беради.

Семинарда ҳудудий партия ташкилотлари ва депутатларнинг куйи бўғинга муносабатини яхшилаш хусусида ҳам сўз борди. Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларнинг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳи аъзолари томонидан ижро этилиши ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Депутатлик гуруҳлари ташаббускорлигини янада ошириш, электорат манфаатларини ифода этувчи масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқиш, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тар-

вожлантириш жараёнида фаол иштирок этиш ва депутатларнинг бошланғич партия ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

ФЖШМҚМИ катта мутахассиси Жаҳонгир Боббеков партия жамият ҳаётида таъсир кучига эга бўлиши учун аввало, бошланғич ташкилотлар ишини талаб даражасида ташкил этиш зарурлигини, куйи бўғин фаолиятини ошириш орқали партия ўз электорати муаммоларини чуқур ўрганиши, аҳоли ўртасида партия ғоялари тарғиботини кучайтириш имкониятига эга бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Шунингдек, мутахассислар БПТ фаолиятини янада кучайтириш учун юқори партия кенгашлари куйи ташкилотлар фаолиятини доим таҳлил қилиб, уларга яқиндан ёрдам кўрсатиши, тавсиялар бериши ўринли бўлишини алоҳида эътироф этдилар.

Семинарда яна кўплаб тақлиф ва тавсиялар илгари сурилди. Муҳим ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги долзарб масалалар буйича тадбирларни кўпроқ бошланғич партия ташкилотларида ўтказиш, уларга БПТ фаолларини кенг ороқ жалб этиш зарурлиги қайд этилди. Тадбир якунида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, мавзу юзасидан интер-фаол машғулотлар ўтказишди.

Улуғбек ЗУФТАРОВ, Ўзбекистон «Адолот» СДП кенгаши Жиззах вилояти кенгаши раиси

Мактаб-интернатда қуёш қурилмаси

Дастур доирасида

Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус давлат мактаб-интернатида Ўзбекистон «Адолот» СДПнинг «Соғлом бола йили» Ҳаракат дастурида назарда тутилган ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини, фаоллигини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилада соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, болаларни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилишга қаратилган «Бола қувончи — олам қувончи» лойиҳасининг дастлабки тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон «Адолот» СДП Сиёсий Кенгаши томонидан 2013 йилда ўтказилган «Муқобил энергиянинг энг фаол тарғиботчиси» республика танловида Нукус шаҳридаги 10-сонли кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус давлат мактаб-интернатидаги партия бошланғич ташкилоти голиб деб топилди, 2 кВт қувватдаги қуёш батареяси қурилмаси билан тақдирланган эди. «Бола қувончи — олам қувончи» партия лойиҳаси доирасида интернат биносига қуёш батареяси қурилмаси ўрнатилди.

Тадбирда таъкидланганидек, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросида муно-

сиб иштирок этишга қаратилган партия режаларида энг аввало, ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънаван баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш, истеъдодларини рўёбга чиқариш, замон билан ҳамнафас қилиб тарбиялашга муҳим эътибор қаратилган. Бу борада узоқ истиқболга қаратилган режалар самараси ўлароқ ўтган йилда амалга оширган тадбирлар натижаси бу йилги Давлат дастури ижроси йўлида ҳам хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон «Адолот» СДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати



Партиядошларимиз намунаси

БПТ ҳаётидан

Кейинги бир йил мобайнида Ўзбекистон «Адолот» социал-демократик партияси Наманган шаҳар кенгаши таркибидagi бошланғич ташкилотлар сони бирмунча кўпайиб, қирқтага етди. Ана шу янги БПТлар орасида «Мингбулоқ-сувтаъмирқурилиш» масъулияти чекланган жамиятидаги партиядошларимиз фаолияти бугунги кунда бошқаларга ибрат қилиб кўрсатилаётгани бежиз эмас. Бу ерда қисқа муддат ичида бошланғич ташкилот оёққа туриб, самарали фаолият кўрсатишга киришди.



Партиядошларимиз намунаси

Биринчи бўлиб партиядошларимиз «Адолот» сафига жалб этишда партия ғоя ва дастурларининг мазмун-моҳиятини атрофлича тушунтириш яхши самара берди, — дейди Махфуза Ғойибова. — Дастурда қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш партияимизнинг устувор вазифаси эканлиги таъкидланганлиги ҳаммага маъқул тушмоқда.

Келадди. Айнан шунинг учун БПТ раиси юқорида келтирилган партия дастуридаги сўзлар уларнинг ўз ишларига муносабатига ҳамохан бўлса керак.

Мазкур МЧЖ аслида унчалик катта эмас. Ҳаммаси бўлиб, элик нафарга яқин киши меҳнат қилади. Лекин унумдорлик юқорилиги, машина-механизмлар билан таъминланганлик даражаси ўсиб бораётганлиги, улардан фойдаланиш самарадорлиги юксалаётгани жамоа амалга ошираётган қурилиш-монтаж иш-

лари ҳажми мунтазам равишда кўпайиб боришига олиб келмоқда. Айнан шу туфайли жамият бунёдкорлари ўзлари тендерда ортиб олган икита йирик объектда жадал иш олиб бормоқдалар. Улардан бири Чуст туманида жойлашган. Вазифа Ғалаба каналининг Ғовасойдан Сумсарсой-

Бегматов, Ҳамидулла Собиров бошчилигидаги бетончилар гуруҳи кунлик топшириқларни ортиги билан адо этиб, бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Биз юқорида тилга олган ишлаб чиқариш пешкадамларининг ҳаммаси «Адолот» СДП аъзолари эканлиги айниқса, қувончлидир.

Мингбулоқлик партиядошларимиз бу билан келаниб қолаётганлари йўқ. БПТ аъзолари ҳар ҳафта йиғилиш ўтказишга одатланишган. Уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар маҳоратини, унга ўз хиссамиз қўшилаётганини англаш бизни яна ҳам самаралароқ меҳнат қилишга ундамоқда, — дейди ишчи Ҳамидулла Арслонов.

Сув йўлини таъмирлаш жараёни уч йилга мўлжалланган. Бажарилган ишлар ҳажмини таҳлил этсак, жамоа графикдан бирмунча олдинда бораётгани кўзга ташланади. Агар

суръат шу даражада ушлаб турилса ёки янада оширилса, объектни муддатидан камда уч ой илгари битказиш имконияти вуҷудга келади. Бу эса МЧЖга иқтисодий жиҳатдан ҳам сезиларли фойда келтиради.

Жамият бунёдкорлари Учкўрғон туманида Норин дарёси соҳилларини мустаҳкамлаш юзасидан ҳам катта ҳажмдаги ишларни амалга оширмоқдалар. Бу ерда жами 851 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариш режалаштирилган. Ўтган йили ушбу микдорнинг қарийб ярми удаланди. «Адолот» СДП аъзоларидан бульдозерчи Тўлқин Ғозиев, экскаваторчи Сарвар Мадиев, ҳайдовчилар Анвар Бозоров ва Раҳимжон Тожибоев бу муваффақиятга катта ҳисса қўшдилар. Улар ҳозир ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Шуни айтиш керакки, МЧЖ иш бошлаганига энди саккиз йил бўлди. Лекин шу қисқа давр ичидаёқ барча технологик жараёнлар тўғри ташкил этилганлиги, малакали, ўз касбини пухта эгаллаган мутахассислардан иборат жамоа шакллантирилганлиги туфайли катта ўсишга эришилди. Иш юритувчи Алишер Азизовнинг айтишига қараганда, дастлаб бор-йўғи учта механизатор — битта экскаватор ва иккита ағдарма машина бор эди; холос. Ўтган давр мобайнида улар қаторига бир нечтадан янги экскаватор ва бульдозер, ағдарма машиналар, кичик бетон заводи қўшилди. Энди кун тартибига замонавий ишлаб чиқариш базаси қуриш масаласи ҳам қўйилмоқда. Бу муаммо ҳал этилса, жамиятнинг имкониятлари янада кенгайди. Демак, партияимизнинг қишлоқ ҳўжалигида энг яхши анъаналарни сақлаб қолиш ва янада модернизация қилишдаи дастурий вазифасини бажаришга салмоқлироқ ҳисса қўшилади.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ, «Адолот» муҳбири

Ёшлар ташаббуси байрамга уланди

Дастур доирасида

Ўзбекистон «Адолот» СДП Сурхондарё вилояти кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти ташаббуси билан байрам сайли ташкил этилди. Шеробод туманидаги «Чуқурқўл» маҳалласи ҳудудида бўлиб ўтган «Спорт ва санъат» беллашуви маҳалла ёшларининг истеъдод ва иқтидорларини яна бир қарра синондан ўтказиш имкониятини яратди.

Тадбирнинг асосий иштирокчилари бўлиш қизлар ўзларининг адабиёт ва санъатдаги иқтидорларини намойиш этган бўлиши, йигитлар миллий кураш спортини буйича ўзларининг нечоғли жасур, мард эканликларини кўрсата олдилар.

Ғолиблар вилоят партия кенгашининг «Ёш адолатчилар» қаноти томонидан муносиб тақдирланди. Ёшларга кўрсатилган эътибор ва рағбатдан маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ҳам мамнун бўлишди. Бир сўз билан айтганда, маҳалла ахли байрам шукҳини олган тадбирни зўр қизиқиш билан томоша қилишди.

Тадбир якунида маҳалладаги партия аъзолари сафига яна ўнга ақин ёшлар қўшилганлиги ва янги БПТ тузилганлиги эълон қилинди. Эндиликда «Чуқурқўл» МФИда фаолият бошлаган мазкур бошланғич партия ташкилотига Панжи Курбон етакчилиги қилади.



Райхон ЖУМАЕВА

Эрта никоҳ — барчамизни этар оғоҳ

➤ Депутат минбари

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этишнинг ўзимизга хос тизими ҳамда она ва бола соғлиғини муҳофаза қилишнинг миллий модели шакллантирилди. Бундан кўзланган мақсад ҳеч шубҳасиз, фарзандларимизни соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг бахт-саодати, ёруғ келажагини кўришга қаратилгандир.

Президентимиз қарори билан қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар, биринчи навбатда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш учун кулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, янги қонун ва меъёрларни ишлаб чиқиш, никоҳдан ўтувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш сифатини янада яхшилаш, кўрикни амалга оширувчи мутахассислар масъулиятини кучайтириш, оила институтини мустаҳкамлаш каби улғувор мақсадларни амалга оширишга йўналтирилган.

Шу ўринда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига ҳалал берувчи айрим иллатлар ҳам борки, улар жойларда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувларда, суҳбатларда ўртага дадил ташланмоқда. У ҳам бўлса, фарзандларимизнинг эрта никоҳи билан боғлиқ масала.

Дарҳақиқат, соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, юзага келиши мумкин бўлган ирсий ва туғма касалликлар сонини камайтириш ва соғлом фарзандлар туғилишини таъминлашда эрта никоҳнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида оила жамиятнинг асосий бўлини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Оила кодексига ҳам никоҳ тузиш тартиби, никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги, никоҳ ёши, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар ва никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш нормалари белгилаб қўйилган.

Бирок, баъзи ота-оналарнинг никоҳ ёшига етмаган, коллеж, лицейларни тугатмаган қизларини эрта турмушга чиқариб юбориш ҳолатлари учраётгани, бу ёш оналар ва болалар ўлимига, ногирон, заиф болалар туғилишига сабаб бўлмоқда.

Айни муаммо аҳоли орасида эрта никоҳнинг ихтимой оқибатларини, жамиятга, оилаларга, никоҳланувчиларнинг саломатлигига салбий таъсири, қолаверса, бунинг учун қонун билан белгиланган жавобгарликлар хусусида кенг тушунтириш ва тарғибот ишларини янада кучайтиришни, ҳуқуқий ва тиббий маданиятни оширишга оид тадбирлар сонини кўпайтиришни тақозо этаётганлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзингиз ўйлаб кўринг, ҳали 18 ёшга тўлмаган қиз ёки йигит турмуш қурса, у ҳали бирон-бир касб ёки ҳунарни ёки бирон-бир уқув юртини билиб бироқта мутахассисликни эгалламаган бўлса, у қандай қилиб рўзгор тейратади? Фарзандига қандай тарбия беради?

Оила кодексининг 13-моддасида "Диний расм-русмларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас" деген қўрсатилган, бироқ никоҳ ёшига тўлмаган қизлар билан ФХДЭ органларидан рўйхатдан



ўтмасдан, диний расм-русмларга биноан никоҳ тузиш маросимини ўтказиш ҳолатлари кам бўлсада, ҳамон учраб турибди. Мўрт ва ҳуқуқий ҳимояланмаган оилалар кўп ҳолатларда бузилиб, аксарият ҳолатларда аёллар жабрланувчи бўлиб қолаётгани ачинарлидир.

Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Оила кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Эрта никоҳнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ҳамда жамиятда аёлларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мавқеини мустаҳкамлаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилашга қаратилган маъмурий ҳужжатларга асосан никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини

бузганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Жумладан, никоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда никоҳ муносабатларига киришиш — энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд ўйлантириш — энг кам иш ҳақининг 7 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш — энг кам иш ҳақининг 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда жарима солинишига олиб келади. Шундай қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима ёки 1 йилгача ахлоқ

тузатиш ишлари ёхуд 3 ойгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёки ўйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига тортилади ёхуд 4 ойгача озодликдан маҳрум қилинади.

Никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 100 бараваригача миқдорда жарима ёки 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 6 ойгача қамоқ билан жазоланади.

Шунингдек, «Болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўсқинлик қилганлик учун» ҳам жавобгарлик белгилаб қўйилди. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 47-моддасига ҳам тўлдириш киритилди. Ушунга асосан болаларнинг мажбурий умумтаълим олишига қаршилик қилаётган ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга нисбатан — энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима белгилаб қўйилди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, жамиятимизда эрта никоҳнинг олдини олиш ва ёшларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, қабул қилинаётган қонунларнинг маъмурий-моҳиятини кенг оммага тарғиб қилиш ва қонун — қаттаю кичик, жинсийдан, миллати, этники ва мансабидан қатъи назар, барчага устувор эканлигини тушунтириш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Мавлуда НИШОНОВА, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Сўранг, жавоб берамиз!

Нотариус бўлмоқчиман. Стажировка муддатини ўтаганман. Нотариус бўлиш учун қандай қилишим керак?

Г.Аслонова, Бухоро шахри

Нотариус лавозими бўшагандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари бу ҳақда буйруқ чиқарилган куннинг эртасидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини хабардор қилади. Тегишли адлия бошқармасининг хабарномаси олинган ёки қўшимча нотариус лавозими таъсис этилган кундан бошлаб етти кун ичида ишчи орган томонидан газеталарда ҳамда адлия бошқармалари орқали марказий газеталарда танлов ўтказиш тўғрисида эълон берилди.

Ушбу танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, давлат нотариал идорасида камида икки йил муддатли стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Нотариус лавозимига танлов ўтказиш тартиби қандай? О.Махмутов, Фижгувон тумани

Танлов комиссияси томонидан талабгорларнинг касбий билимларини аниқлаш мақсадида ёзма-оғзаки равишда ўтказилади.

Танлов барча талабгорлар учун бир йўла бир хонада ўтказилади. Танлов бешта саволдан иборат бўлган билет асосида ўтказилиб, ҳар бир билетнинг орқа томонида комиссия раиси ва масъул котиб томонидан имзолари бўлади.

Танлов билетидagi саволларга ёзма жавоб ёзиш ва улар бўйича оғзаки жавобга тайёрланиш учун икки соат вақт ажратилади.

Танлов билетидagi саволларга жавоб тайёрлаб бўлган талабгор комиссияга жавоб беради. Комиссия аъзолари айрим жавобларни аниқлаштириш мақсадида қўшимча саволлар бериши мумкин. Комиссия аъзолари баҳолаш билетларида талабгорнинг саволларга берган жавобини ўн баллик тизимда баҳолайди.

Танлов натижасига кўра энг кўп балл олган талабгор танловда ғолиб, деб топилади.

Баллар тенг бўлиб қолганда, танлов ғолиби энг кўп бир хил балл олган талабгорлар орасидан овоз бериш йўли билан аниқланади.

Саволларга Бухоро вилоят Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи А.АМИНОВ жавоб берди.

Қонунни билган эмас, бузган панд ейди!

➤ Божхона бекати

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим таркибий қисми ҳисобланувчи валюта ислохотлари ҳам изчил амалга ошириб келинмоқда. Айни пайтда республикамизда жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибларини белгиловчи барча ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 20 мартдаги "Жисмоний шахсларнинг нақд хорижий валютани олиб келиши ва олиб чиқиш кетишини тартибга солиш чоралари тўғрисида"ги Фармони шулар сирасидандир.

Мазкур фармонга мувофиқ, республикамизда резидентларга 2000 АҚШ доллари эквивалентидаги, норезидентларга эса божхонага тақдим этилган декларацияга мувофиқ республикамизда келтирилган валюта миқдоридagi нақд хорижий валютани божхона баённомасида ёзма қайд этиш шарти билан эркин олиб чиқиш кетишларига рухсат этилади.

Кўрсатилган миқдордан ортиқча нақд хорижий валютани олиб кетишга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ёки хорижий валюта билан операцияларни ўтказишга асосий лицензияси бўлган ваколатли банкларнинг рухсати билан йўл қўйилади.

Аммо жорий этилган мазкур тартибларга бўйсунмай, нақд хорижий валюталарни яширинча олиб чиқишга уринишлар ҳам уларбурчдир.

Бангкокка отланган чет эл фуқароси Н.Козлованинг "парвози" бироз кечикди. Бунга эса сабабчи ўзи! Чунки, у Тошкент халқаро аэропортида 5200 АҚШ доллари ички қийимларига яширинча олиб чиқишга уринган пайтда тўхтатиб қолинди. "Ўқуётган одам хасга ёпишади" деганларидек, қонданбозар божхоначиларга Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигини яши билмаслигини рўқча қилди. Аммо энди бу баҳона уни жавобгарликдан озод қила олмайди.

Шунингдек, "Тошкент-Аэро" иختисослаштирилган божхона комплекси ходимлари томонидан "Тошкент-Новосибирск" авиарейси йўловчиларидан

бири, россиялик Н.Гильмутининг ҳам қинғир қилмишларига нуқта қўйилди. Қаранг-ки, божхона баённомасида 1800 АҚШ долларини олиб чиқиб кетаётганлигини қайд қилган бу аёл қўл сумкасига яширилган 6710 АҚШ доллари ҳақида баённомада ҳам, божхона ходимининг оғзаки сўрови пайтида ҳам маълум қилишни "унутиб" қўйди.

"Дўстлик" чегара-божхона комплексига эса қўшни давлатга 10 минг АҚШ долларини чарм куртқасига яширганча олиб чиқишга уринган М.Мамажонов андиқонлик божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди. Қинғир қилмиши ошқор бўлган қонунбузар божхоначилар олдида ер чизилишда нарига ўта олмади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари томонидан ҳам шу турдаги йирик божхона қонданбозилишининг олди олинди. "Тошкент-Уфа" йўналишида йўлга чиққан поезд йўловчилари "Келес" темир йўл чегара божхона пости ходимлари томонидан божхона кўригидан ўтказилганда, йўловчилардан бири, фуқаро Р.Фархутдинованинг қўл юклари орасида 17710 АҚШ доллари яширинча олиб чиқилганлиги фош қилинди.

Эндиликда юқорида исмлари таъкидланган шахслар жавобгарликка тортилди ва пул маблағларининг давлат фойдасига мусодара қилиниши муқаррардир.

Хозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2014 йилнинг ўтган даври мобайнида республикамизда божхоначилари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда аниқлаган 171 та қонунбузарлик ҳолатларида 758 млн. сўмдан ортиқ эквивалентдаги нақд хорижий валюталарнинг ноқонунли олиб ўтилишига чек қўйилди.


ДБК Матбуот хизмати

Қонунийликни таъминлаш —

суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг бош мақсади

➤ Концепция: устувор вазифалар

Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг бош талаби қонун устуворлигини таъминлашдир. Қонун устувор экан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла қафолатланади. Мустақил давлатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдаги ислохотлар йилдан-йилга чуқурлашиб бормоқда.



Шунингдек, республикамизда олиб бораётган иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотлар натижасида тадбиркорлик субъектлари учун кулай шарт-шароит ва кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Натижада республикамизда хусусий сектор янада ривожланиб, аҳоли турмуш фаровонлиги кўтарилмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароити асосида давлатни тараққий эттиришда тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиссдир. Шу муносабат билан давлатимиз томонидан уларга бир қанча имтиёзлар яратилди, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилиб, ортиқча овозгарчиликларга барҳам берилди.

Рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тизими жорий этилиши давлатнинг тадбиркорлик субъектларига бўлган эътиборининг бир кўринишидир. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизимини янада такомиллаштириш, ҳисоботлар топширилиши кескин қисқартирилиши, жавобгарликка тортилиш жараёнининг либераллаштирилиши, имтиёзлардан фойдаланишга бўлган реал шарт-шароит ҳамда ҳуқуқий ҳимоя тизими яратилганлигини мисол тариқасида кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Халқаро таъриба шуни кўрсатадики, қаерда тадбиркорлик субъектларига кулай шароит яратилар, рўйхатга

гишли ваколатларнинг берилиши, — дейилади концепцияда, — мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизминини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Концепцияда қўйилган вазифаларни дастуриламал деб билган вилоят Адлия бошқармаси ва унинг қуйи тизимлари томонидан Конституция ва қонунлар билан мустаҳкамланган инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиши таъминлаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни оширишга, қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғи-

бот, тадбиркорликни ривожлантириш ва ҳуқуқий таъминлаш, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шартномавий интизомни мустаҳкамлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бошқарма томонидан юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, мамлакатимизда рўйхатдан ўтказилган махаллий, шунингдек, чет эл нодавлат ноижорат ташкилотларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан тизимли мониторинг олиб бориш, адвокатура ва юридик ёрдам тизимини ривожлантириш соҳасида ҳам қонунийликни таъминлашда изчил ишлар олиб борилаётганини таъкидлаш мумкин.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида бу соҳадаги ислохотларнинг янги босқичи бошлаб берилди. Концепциянинг иккинчи "Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш" йўналишида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар белгилаб берилди.

"Адлия органларининг ҳуқуқий ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида янада давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган те-

Словакия: социал-демократия фоялари жозибаси ошмоқда

“Адолат” шарҳи

Жуврофий жиҳатдан ўта қулай ҳудудда, яъни Европа марказида жойлашган бу кичик давлат бой тарихга эга. Кўп асрлар давомида Словакия қатор давлатлар таркибида бўлиб келди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Учинчи рейх тасарруфидоги Словакия давлати қисқа муддат яшаб турди, аммо 1945 йилга келиб у яна қайтадан тикланган Чехословакиянинг бир қисмига айланди ва салкам ярим аср собиқ Варшава шартномаси таъсир доирасида бўлди.

Совуқ уруш тугаб, Марказий ва Шарқий Европада демократия шабодаси эсан 1990 йиллардан бошлаб Словакияда мустақиллик интилишлари кучайди. 1993 йилнинг 1 январидан Словакия мустақил давлат, деярли эълон қилинди. Ўз таъки сиёсий йўлини белгилаб олиш имкониятини кўлга киритган, 5,5 миллион аҳоли истиқомат қиладиган мамлакат 2004 йилнинг 29 мартда НАТОга, 2007 йилнинг 21 декабридан Европа Иттифоқининг Шенген зонасига, 2009 йилнинг 1 январидан эса Евро зонасига кирди.

Украина, Польша, Чехия, Австрия ва Венгрия билан қуруқлик чегараларига эга, саккиз кичик-кичик ўлкага бўлинган Словакия унитар давлат, парламент республикаси ҳисобланади. 2012 йилдан мамлакатни президент Иван Гашпарович бошқаради, бош вазир эса социал-демократ Роберт Фицо.

Словакиянинг олий қонун чиқарувчи органи бир палатали, 150 ўринли Словакия Республикаси Миллий Кенгашидир. Кенгаша депутатлар тўрт йил муддатга сайланишади. Депутатларнинг беъздан уч қисми овоз берган тақдирда парламент президентни истеъфога чиқариши мумкин. Ўз навбатида, депутатлар бир ой мобайнида ҳукуматнинг дастурий баёнотини уч мартаба кўлламаган тақдирда президент парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга.

Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шу жумладан, Словакия социал-демократик ва социалистик партиялари фаолияти ва дастури таҳлили уларнинг уч гуруҳга бўлиниши-

ни кўрсатган. Биринчиси, Европада фашистик ва коммунистик кучлар ҳумкронлик қилган XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб тақиқланган, аммо ярим ошқора ҳолатда фаолият кўрсатган социал-демократик партиялардир. Мазкур кўринишдаги партиялар минтақадаги барча 12 та мамлакатда мавжуд.

Иккинчиси, ислоҳ қилинган ёки ўзини социал-демократлар деб эълон қилган собиқ ҳумкрон коммунистик партиялар.

Учинчиси, қайтадан ташкил этилган у ёки бу сабабга кўра ўзини социал-демократлар деб эълон қилган партиялар.

Словакиядаги энг таниқли сиёсий куч, “Смер — социал-демократия” партияси (Smer-SD) (“смер” словак тилида курс, йўналиш маъноларини билдиради) ҳам шу тоифага кирди.

1999 йили таниқли сиёсатчи Роберт Фицо томонидан ташкил этилган мазкур партия 2002 йилги парламент сайловларида муваффақиятли иштирок этди. Натижада социал-демократларнинг 25 вакили парламентдан жой олди. Худди ўша йили Европарламентга ўтказилган сайловда партия Словакия учун ажратилган 14 мандатдан 3 тасини кўлга киритишга муваффақ бўлди.

2005 йилга келиб мамлакатда социал-демократларнинг нуфузи анча ошди, шу сабабли бир қанча майда партиялар, жумладан, демократик сўл партия унинг таркибига кирди. Натижада 2006 йили ўтказилган парламент сайловида социал-демократлар сайловчиларнинг 29,1 фоиз овозига эга бўлиб, биринчи ўринни эгаллади. Бу эса партияга парламентда 50 ўринни эгаллаш имкониятини яратди. Со-



циал-демократлар етакчиси Роберт Фицо Словакия бош вазир лавозимини эгаллади.

Европарламентга 2009 йили ўтказилган сайловларда социал-демократлар Словакия учун ажратилган 13 мандатнинг 5 тасига эга бўлишди.

2010 йилнинг 12 июнида ўтказилган сайловда социал-демократлар 880 111 (34,79 фоиз) овоз билан парламентнинг 62 депутатлик ўринни эгаллашди. Бу мутлақо юқори кўрсаткич эди. Бироқ бошқа партиялар вакиллари Роберт Фицо билан иттифоққа киришишдан бош тортмишди ва оқибатда бош вазир ўринини Ивета Радичова эгаллади. Глобал молиявий танглик Словакияга ҳам таъсир кўрсатмай қолмади. Ҳукумат уни бартавраф этиш чораларини тополмагани боис навбатдан ташқари парламент сайлови белгиланди. Яъни, 2011 йилнинг 11 октябрида Словакия парламенти Европа молиявий барқарорлиги фонди тўғрисидаги шартномани ратификация қилолмади. Инқирозга қарши таъсир чораси ҳисобланган мазкур овоз бериш жараёни ҳукуматга ишонч билдиришга боғлиқ равишда ўтказилди.

Ҳумкрон коалиция билан ўзини келишувга кўра, социал-демократлар Европа молиявий барқарорлиги фонди бўйича овоз беришда бетараф қолади, бунинг эвазига коалиция муддатидан илгари сайлов ўтказилишига розилик беради.

Оқибатда 2012 йилнинг 10 мартда ўтказилган сайловда социал-демократларга сайловчиларнинг 44,41 фоизи ишонч

билдирди! Бу эса партия парламентдаги 150 ўриннинг 83 тасига эга бўлди, дегани эди. Бундай улкан муваффақият яна социал-демократлар етакчиси Роберт Фицони бош вазир курсига олиб келди. Ушбу ғалаба мамлакат тарихида биринчи мартаба ягона партия иштирокида ҳукумат тузилишига имкон берди.

Аммо шу йилнинг март ойида Словакияда ўтказилган президентлик сайлови социал-демократларнинг мутлақ ҳумкронлигига чек қўйди. 15 мартда бўлиб ўтган биринчи турда олти партиянинг вакили ва саккизта мустақил номзод иштирок этди. Иккинчи турга уларнинг орасидан икки номзод ўтди: социал-демократлар вакили Роберт Фицо ва тадбиркор Андрей Киска.

Сайлов кампанияси даврида Роберт Фицони Европанинг таниқли сиёсатчилари, давлат арбоблари қўллаб-қувватлаб туришибди. Улар сафида Европа парламенти президенти Мартин Шульц, Франция президенти Франсуа Олланд ҳам бор эди.

Аммо 29 мартда ўтказилган иккинчи тур сайловда тадбиркор Андрей Кисканинг қўли баланд келди. Кўплаб мутахассислар бунинг сабаби сифатида парламентда кўпчилик жойини эгаллаган социал-демократларнинг мавқеи янада охиб кетишига нисбатан нозилик кайфиятини кўрсатишмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакат мустақиллигининг 21 йиллиги мобайнида биринчи марта президентлик курсисини партиясиз тадбиркор Андрей

Киска эгаллайдиган бўлди. У сайловда “абдий бош вазир” номини олган социал-демократ Роберт Фицони 20 фоиз устунлик билан мағлубиятга учратди. Афтдан охириги йилларда чексиз ҳокимиятга эга бўлган Фицонинг президент этиб сайланган тақдирда Конституцияни қайта ёзиш ва Словакияни парламент республикасида президент республикасига айлантириш борасидаги дастурий фоялари электроратга ёқмаган кўринади. Экспертлар фикрича, Андрей Кисканинг ижтимоий дастури Роберт Фицонинг ваъдаларидан деярли фарқ қилмаган. Унинг коррупцияга қарши курашни кучайтириш, тадбиркорларга янада кенг йўл очиш референдум ва савдо соҳасида кредит ажратиш орқали Киска тезда бойиб кетди. 2004 йилга бориб Словакия халқининг 8 фоизи унинг мижозига айланди. Бироқ 2005 йилдан эътиборан Киска ўз бизнесини сотиб хайрия ишлари билан шуғуланишга ўтди. Унинг Dobry Anjel фонди нафақат Словакияда, балки Чехия ва Ирландияда ҳам бемор болалар ва кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Маълумотларга кўра, Киска шу йилнинг 15 июнидан бошлаб ўз вазифасини адо этишига киришади.


Дарвоқе, вазиятнинг бундай тус олиши асло социал-демократларнинг муваффақиятсизлиги сифатида талқин этилмаяпти. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, Словакия — парламент республикаси. Бундай сиёсий тизимда эса, ўз ўзидан аёнки, мамлакатнинг етакчиси бош вазир ҳисобланади, президент эса “фахрий лавозим” эгаси бўлиб қолаверади.

Шу сабабли кўплаб сиёсатшунослар Словакия бундан кейин ҳам социал-демократик фоялар кенг қулоч ёядиган мамлакат бўлиб қолаверишига ишонч билдиришмоқда.

Ш.ТУРҒУНБОВ

РОССИЯ: шамол генераторлари самарадорлиги ошади

Узоқ Шарқ федерал университети олимлари шамол генераторлари самарадорлигини оширишнинг янги усулини тақлиф этдилар. Тадқиқотчилар лойиҳасига кўра роторнинг айланмиш ўқи вертикал жойлаштирилади. Натижада замонавий шамол генераторлари қуввати энг камида ўн баробарга ошади!



Янги қурилманинг асосий генератори сув юзасидаги унча катта бўлмаган минорада жойлаштирилади. Ротор парралари эса перпендикуляр ўрнатилди ва марказий минора атрофида айланади. Айланма ҳаракат натижасида пайдо бўлган қувват махсус ўқ орқали генераторга боғланган марказий гилдирак гулчагига узатилади. Бутун қурилмани сув юзасида, понтонларда ушлаб туриш кўзда тутилмоқда. Саноат ишлаб чиқариш технологиялари кафедрасининг мудири Виктор Чебоксаров 10 мегаватт қувватга эга шамол генератори диаметри 200 метрдан ошмаслигини, парралар ҳаракат доираси эса 40 метрга етишини маълум қилган. Европада ишлатиладиган шундай қувватли шамол генераторларига нисбатан Россия қурилмасидан олинмаган электр энергияси таннархи икки-уч баробар арзон бўлади.

GERMANY: абадий двигатель яратилдими?

Германияда бионика соҳасидаги изланишлари билан тилга тушган Festo компанияси ҳақиқий кенгурунинг сакрашини такорлайдиган робот-кенгуруни намойиш этди.



Маълумотларга кўра, яқин-яқингача компания бу лойиҳани сир тутиб келган. Ҳолбуки, бир қараганда ҳаммаси ўта оддийдек: темиртан кенгуру табиий кенгурунинг ҳаракатини такорлайди, холос. Аммо энг асосий жиҳат шундан иборатки, биринчи сакрашда олинган қувват иккинчи сакраш учун ишлатилади ва ҳоказо. Аниқроқ айтиладиган бўлсак, робот кенгурунинг оёқларидаги пружиналар ерга тушаётган пайти йилганган қувват кейинги сакраш учун ишлатилади. 7 кг оғирликдаги, бўйи 1 метр “кенгуру”, 40 сантиметр балангликка, 80 сантиметр узакликка сакрай олади.

Олимлар ҳозирча бундай кенгуруларни оммавий равишда ишлаб чиқариш фикрида эмаслар. Тажриба нусхаси эса ҳаракатдан қувват оладиган механик тизимни тадқиқ этиш учун яратилган. Бу борадаги билимлар автомобиль ва компьютерлар ишлаб чиқариш соҳаларидаги саноат тизимларини мукамаллаштириш имкониятини яратди.

Дарвоқе, бундан бир муддат бурун Festo компанияси темир танли чағалай ва эчкини яраттанди.

АҚШ: сув ўтларидан сунъий нефть

Янги махсулот ўзининг юқори сифати билан ажралиб туради, яъни уни дарҳол керосин, бензин ёки дизель ёқилғиси олиш учун ишлаши мумкин. Сунъий нефть тайёрлаш жараёни эса қуйидагича: кимёвий реакторга муайян навдаги сув ўтларидан суспензия киритилади ва мазкур биологик махсулотга ўта баланд босим остида оддий қайноқ сувада ишлаб олинилади. Натижада нефть ҳосил бўлади.

Тажрибалар жараёнида олимлар сув ўтлари таркибидаги 50-70 фоиз углеродни нефтга айлантиришга муваффақ бўлдилар. Қолган унсурлар — сув, азот, фосфор ва калийдан эса янги сув ўтлари етиштиришда фойдаланиш мумкин.


Дарвоқе, сув ўтлари азалдан биологик ёқилғи манбаи ҳисобланади келинган. Аммо шу пайтгача улардан олинмаган сунъий нефть табиий нефтга нисбатан қимматга тушади, деган фикр бор эди. Бироқ яқинда Америка компанияларидан бири сув ўтларидан сунъий нефть олиш юзасидан лицензияга эга бўлди ва каттагина завод қурилишини ҳам бошлаб юборди. Мутахассислар ҳам янги инновацион технология мазкур жараёнинг таннархини анча арзонлаштиришга олиб келганини таъкидлашмоқда. Яъни, авваллари бу мақсадда қурилган сув ўтлари ишлатилган, энди эса хомашё сифатида нам сув ўтларидан фойдаланилмоқда. Бунинг натижасида авваллари сув ўтларини қуришга сарфланган маблағ ва электр энергияси тежаб қолинмоқда.



БРАЗИЛИЯ: лотереяларга қарши уруш эълон қилинди

Математик олим Ренато Жианелла бироз мураккаброқ ҳисоб-китоблар ҳамда эҳтимоллар назарияси ёрдамида ҳар қандай лотерея ўйинининг ютуқли сонларини ҳисоблаб чиқа олишини маълум қилган.

Тўғри, олим тақлиф этган ҳисоб-китобларни тушуниш учун камида олий маълумотли математик бўлиш керак. Аммо бир нарса аниқ: Жианелла ўз усулини кейинги 20 йил мобайнида дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида синаб кўрди ва, сезиб турганингиздек, жуда кўплаб лотерея ўйинларидаги катта-катта ютуқларнинг кўлга киритди. Бу ҳам ҳали ҳаммаси эмас. Жианелланинг шоғирдлари ҳам устоз изидан бориб, ҳаттоки энг мураккаб лотерея ўйинларида ҳам ийрик совринларга эга чиқардилар. Ҳатто иш шу даражага бориб етдики, бразилиялик математикнинг кашфиётлари



лотерея ўйинлари эгаларини жиддий ташвишга сола бошлади.

Жианелланинг ўзи лотереяни кимор ўйини, деб ҳисобламайди. Унинг фикрига кўра, лотерея эҳтимоллар назарияси ва рақамлар қонуниятларининг бир кўриниши, холос. Бу қонуниятларни ечиш учун эса суперкомпьютерлару махсус дастурларнинг ҳожати ҳам йўқ.

Сўнги маълумотларга қараганда, бир қанча лотерея ўйинлари эгалари бирлашиб, ўйинни бразилиялик олим еча олмайдиган даражада мураккаблаштириш борасида айрим олимлар билан музокаралар олиб боришмоқда...

ИСРОИЛ: аккумулятор 30 сонияда қувват олади

Исроилнинг StoreDot компанияси вакиллари ўта қисқа муддат ичида қувватлана оладиган батареяни намойиш этишди.

Тўғри, ҳозирча бу қувват манбаининг ўлчамлари бироз каттароқ ва шу сабабли уни замонавий смартфон ва гаджетларда ишлаши имконияти йўқ. Аммо мутахассислар кўпи билан бир йил ичида худди шу тизимда ишлайдиган митти батареялар ишлаб чиқаришга ваъда бермоқдалар.

Янги батареянинг дастлабки намойишидан сўнг мазкур лойиҳага қизиқиб қолган фирма ва ташкилотлардан ҳамкорлик тақлифлари ва инвестиция маблағлари келиб туша бошлади. Ҳозирча StoreDot компанияси ҳисоб рақамига шу мақсадда 6,25 миллион доллар ўтказилган. Маълумотларга қараганда, инвесторлар орасида Жанубий Кореянинг Samsung корпорацияси ҳам бор.



Умуман олганда эса, StoreDot мазкур лойиҳани тўлиқ амалга ошириш учун 20 миллион доллар миқдорида маблағни жалб этишни режалаштирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, квант нукталарига асосланган янги қувватлантириш тизими эга батареялар кўпи билан уч йил ичида смартфонларга пайдо бўлади. Бироқ компания бу жараёни тезлаштириш учун махсус завод қуриш ниятида эканлигини маълум қилган.

МАЛАЙЗИЯ: “Нух” ўтмайди!

Маълумки, Форс қўлигидаги уч давлат — Қатар, Бахрайн ва Бирашган Араб Амиралиги Голливуднинг “Нух” фильми намойишига рухсат бермаганди.

Эслатиб ўтамиз, режиссёр Даррен Аранофскининг бу картинаси оламни сув босиши, Нух тўфони ҳақида ҳикоя қилади. Фильмдаги бош ролларни Голливуд юлдузлари Рассел Кроу, Эмма Уотсон ва Энтони Хопкинслар ижро этишган.

Мазкур мамлакатлар картина ислом ақидаларига зид равишда суратга олинган, деб ҳисоблашмоқда. Кўни кеча 29 миллионли аҳолисининг 60 фоизи исломга эътиқод қиладиган Малайзия ҳам бу фильм намойишига рухсат бермаган давлатлар қаторига қўшилди.



БУЮК БРИТАНИЯ: яхши спортчига соғлом тишлар керак

Деярли икки йил мобайнида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, стоматологлар қутилмаган ҳулосага келдилар: олтин медал олашни истаган спортчининг тиш ва милклари соғлом бўлиши шарт.

Ҳап шундаки, тишдаги муаммолар инсоннинг жисмоний ҳолатига бевосита салбий таъсир кўрсатиши мумкин экан.

Сўровлар натижалари ҳам шу фикрни тасдиқлайди: спортчиларнинг 20 фоизи тишдаги муаммолар машғулотларни тўлақонли ўтказишлари ва олимпиада мусобақаларида ўзлари кўзлаган натижаларга эришишларида ҳалақат берган.

Маълумки, милклар шамоллаганда уйку мароми ва машғулотлар режими бузилади. Тишлар ва оғиз бўшлиғидаги хасталиклар эса юрак хасталиги ва диабет билан боғланган.



Лондондаги университет коллежи профессори Ян Нидлман профессионал спортчилар учун ҳар қандай ўзгариш катта аҳамиятга эга эканлигини, шунга қарамастан, афсуски, кўплаб жуда юқори жисмоний кўрсаткичларга эга спортчилар тиш масаласида мақтана олмасликларини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Дарвоқе, тадқиқотлар 2012 йилги Лондон Олимпиадасидан бери мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Британия ҳаваскор боксчилар ассоциацияси спортчилар тишларини соғломлаштириш борасида бир қатор тиббий тадбирларни амалга оширишга ҳам улгурди. Ассоциация спортчиларни мунтазам равишда стоматолог кўригидан ўтиб туришга чакирмоқда. Бироқ ҳамма спортчилар ҳам бу тақлифи қўллаб-қувватламайпти, улар орасида бундай текширувларга зарурат йўқ, деб ҳисоблайдиганлари ҳам кўпчиликини ташкил этди.

Интернет хоборлари асосида Зилола ЙЎЛДОШҒВА тайёрлади.



Соҳибқирон абади яти

Мардик азал-абад ривоятдадир, Халқ, миллат тимсоли — матонатдадир. Жаҳон гарчи доим адоватдадир, Минг йилким аўр сўздин хижолатдадир: Куч адолатдадир, адолатдадир.

Буюк Соҳибқирон демишлар шундоқ. Оламга бўйлашмоқ шарафи қандоқ, Агарчи разолат тинч турмас, бироқ Бани башар насли ҳимоятдадир: Куч адолатдадир, адолатдадир.

Асрлар кифтига ортиб армонлар Кетдилар қумларга сингиб қарвонлар. Ўтмиш қанча хонлар, шоҳу султонлар, Номлари на фол, на ривоятдадир, Куч адолатдадир, адолатдадир.

Эй, шаъну шавкатин тан олган дунё, Бир томони маму бир ёни фарво, Сенга айтганди-ку Темурхон бобо: Ободлик тинчлигу тижоратдадир, Куч адолатдадир, адолатдадир.

Токи айланаркан чархи гардунлар Бордир мамлакатни тутган устунлар.

Устувор тартиблар, метин қонунлар Шу қудрат қошида итоатдадир, Куч адолатдадир, адолатдадир.

Аждодлар гурури жон ила танда, Ҳар дилабанд ниҳодай ўсган Ватанда, Шу боғу бўстонда, қўркам чаманда, Фарзандлар фахр ила садоқатдадир, Куч адолатдадир, адолатдадир.

Юртим, қўрғонларинг, гулзорингга боғ, Тикланган номусинг ҳам орингга боғ, Заҳматқаш шу халқинг, Меъмoringга боғ, Қаддинг юксалган ҳар иморатдадир, Куч адолатдадир, адолатдадир.

Нимадир аслида юртга сарварлик — Меҳрпарварликдир, миллатпарварлик. Ҳар зарра тупроғи зарлик, гавҳарлик Бул Ватан тоабат саодатдадир, Куч адолатдадир, адолатдадир.

Сирожиддин САЙИД, Ўзбекистон халқ шоири

2014 йил



DIQQAT, AKSIYA!

VISA CLASSIC yoki VISA GOLD kartasini oching va CHINA UNION PAY kartasini sovg'a tariqasida oling!

+99871 231-60-00

www.aab.uz

Xizmatlar litsenziyalangan

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари, кичик бизнес субъектлари диққатига!

“Фарғона ёғ-мой” ОАЖ қайта танлов савдоси ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Объект номи: «Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчасидаги иждорк ёшлар кўрғазма зали қурилиши». Муддати — 3 ой. Бошланғич нархи — 287 110 204 сўм ҚҚСсиз ва 344 532 245 ҚҚС билан.

Буюртмачи: “Фарғона ёғ-мой” ОАЖ Манзил: Фарғона шаҳар Меъмор кўчаси 9-уй, тел +99890 536-62-32

Қурилиш-таъмирлаш ишлари: “Фарғона ёғ-мой” ОАЖ шахсий маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар куйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорда айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортта етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирийўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: (373)244-55-32, 98-276-25-48

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 63 000 сўм.

Таклифлар (офертлар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда офертларни очиб кўриш ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўн беш (15) кундан кейин, Фарғона шаҳар, Меъмор кўчаси, 9-уйда ўтказилади.

Ўзимиздан қўймасин экан...

Такдир чорраҳалари

Қишлоғимиз кексаларидан бири дуо қилса, ҳамиша: “Илоҳим, йўл юрсанг йўлинг ойдин, яхшилар ҳамроҳинг бўлсин, олдиндан овчи эмас, совчи чиқсин”, дер эди. Ёшлик йилларимиз бу сўзларнинг маъносини унча тушунмаганмиз, кейин-кейин ҳаётнинг ўзи яхшилаб тушунтириб берди.

Бир гал водийга хизмат сафари билан бораётиб, кийими, кўриниши, сўзлашуви қандайдир бошқача, овози ҳазин бир йигит билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Ранги бироз унққанлиги кўриниб турибди, аммо кўзларига қараб, фикри-зикрини, ўй-хавлини билишнинг сира иложи йўқ. Бундай пайтда одам бироз эҳтиёткор бўлишга, ортиқча “очилмасликка”, сир бой бермасликка ҳаракат қилади, чунки ёнингизда ким ўтирганини, муддаоси нималигини билмайсиз...

Афтидан мен ҳам эҳтиёткорлик қила бошладимми, нотаниш ҳамроҳим бунди сезиб, дарҳол “хужум”га ўтди:

— Ака, бир бетайин кимсага учраб қолдим, дея мендан шубҳаланган бўлган тагин, ёмон одам эмасман ҳар холда...

У бу гапни шу қадар таъсирчан оҳангда, ич-ичидан чиқариб, афсус-надомат билан айтдики, хали тўла шакланмаган шубҳамдан ўзим хижолат тортиб кетдим. Унгайисиз бир ҳолат юзага келди. Вазиятни юмшатиш учун: “Йў-е, ундай ўйлаётганим йўқ” дедим, аммо сўзларим унча ишончли чиқмади.

Ҳамроҳим менга ишондими ёки тезроқ ишончимни қозонишга ҳаракат қилдими, узундан-узун ҳикоясини бошлади.

Дуппа-дуруст оиланинг фарзанди экан. Урта мактабни битириб, педагогика институтига ўқишга кирибди, аммо пул топиш, бойваччалардек яшаш, кайф-сафо қилиш касалига мубтало бўлиб, иккинчи йиллик институтни ташлаб кетибди. Бўғи маълум: бир-икки йил қилмаган иши, қирмаган кўчаси,

юрмаган йўли қолмабди, аммо толгани еб-ичишига аранг етибди. Умри кўчада, чойхоналарда ўтадиган бўлибди. Ота-онаси: “Ўғлимизни тезроқ уйлашимиз керак, бетайин ҳаётвоқлари билан сандироқлашини бас қилиб, худо хоҳласа, яхши бўлиб кетади” дея ниҳат қилишибди.

Тўй бўлибди. Бир йилдан кейин кўзлари мунчоқдек қиз туғилибди. Келин қайнота-қайнонасига меҳрибон чиқибди. Бироқ кўёвбола...

“Тўйдан кейин тўёнлар ҳисобига бир-икки ой яхши яшадик, кейин муаммо чиқа бошлади. Рузгор дегани, “ғор” экан, ҳар куни қолда ташисанг ҳам тўлмас экан. Вақтида бирор хунаринг бошини ушламай юраверибман, қийналдим. Кейин... биттасининг гапига уқидим, “Четга чиқиб ишласанг, чўмичинг мой устида, оғайни, мана мени кўр”, деган эди, шу гапга лаққа тушдим...”

Ҳикоянинг давоми “лаққа тушиш” билан боғлиқ саргузаштлар эди. Худди эртақлардагидай: йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезибди, дуч келган ишни қилибди, аммо чўмичини занг босса босибдики, мой кўрмабди. Бунинг устига қаттиқ шамоллаб, дегарли ногирон бўлиб қолибди.

Ҳамроҳимнинг бу гаплари янглик эмас эди. Мўмай пул топаман, бойиб кетаман деб, тузоққа илгинанлар, соғлиғидан айрилганлар оз эмас. Шу боис, унинг ҳикоясини шунчаки, қўнгли учунгина тинглаб боравердим. Аммо охирида...

“Ғор, ношукр банда эканман, ака. Нима гаплагини билмайсиз-

да. Уйга қайси юзим билан бораман? Отамнинг қабрига қандай бораман? Қизим беш яшар бўлди, уни қандай эркалайман, хотинимга нима дейман? Битта, ичига похол тикилган қўғирчоқ ёки рўмонча ҳам ололганим йўқ. Тўрт йилда ҳеч бўлмаса, икки энлик хат ёзмабман, телефонда бўлса ҳам, тупроқдан катарда юрибман, деб қўймабман. Жигар экан, ўзимнинг укам жонимга оро кирди. Коллежни битириб, заводга ишчи бўлиб кирибди. Жанубий Кореяга бориб, малака оширибди. Уйланганидан кейин, банкдан кредит олиб, уй-жой қурибди. Ҳовли тўйи қилибди. Яхши даромад топадиган бўлибди. Машинаси бор эмиш. Шу укам пул жұнатмаса, у ёқларда қолиб кетардим, хали-вери келолмасдим...”

У мендан қандайдир таскин сўзларини кутарди. Аммо, бундай пайтда ўз ёғига ўзи қоврилиб турган кишига таскин бериш осон бўлмай қолади. Мен унга: “Хатоларингизни, адашганингизни тушуниб етибсиз, шунинг ўзи катта гап” дедим. “Ҳа, тушуниб етдим”, деди у ва кўзларига ёш олиб давом этди: “Муҳаммад Юсуф тўри ёзган экан. Ўзимнинг Ватанимиздан қўймасин экан, ака. Тўрт йилда ҳаммасини кўрдим. Одамгарчилик, инсоф-диёнат, меҳр-мурувват бизда экан, бизда! Бошқа жойларда бошингга бир иш тушса, ҳамма кўзингга эмас, чўнтагингга қараб турар экан. Пули йўқ одамнинг сариқ чақали ҳам қадри бўлмас экан...”

Қўқоннинг патир сотиладиган машур чорраҳасига келганимизда, ҳамроҳим хайдовчидан машинани тўтатишни сўради. Қўлимни қисиб, “Бемаъни гапларим билан бошингизни қотирганим учун уэр”, деди.

Жўнгина хайрлашдик, телефон рақамларини ёзиб ҳам олмадик, кейинги ҳаёти қандай бўлди, шу биргина “тушуниб етгани” ҳаётини қайта изга солишга кифоя қилдим-йўқми, бунди билмайман, аммо ҳар гал уни эслаганимда, “инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ўзимизда экан”, деган сўзлари кўнглимга таскин беради.

М.АҲМЕДОВ

“18-АВТОБУС САРОЙИ” очик акциядорлик жамияти

“D” тоифага эга бўлган хайдовчиларни ишга қабул қилинади.

Ўртача ойлик иш ҳақи “Мерседес-Бенц”, “Хундай” автобуси хайдовчилари учун 900-1 млн. 200 миң сўм. Ўртача ойлик иш ҳақи “Исузу” автобуси хайдовчилари учун 600-900 миң сўм.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Катта ҳалқа йўли, 8а-уй.



МЧЖ шаклидаги “Кумушкон спорт” соғломлаштириш мажмуаси (ИНН 200571298) Устав фонди 9 млн. 460 миң 200 сўмдан, 9 млн. 450 миң 200 сўмга камайди.

Даво ва аризалар билан Паркент тумани МЧЖ шаклидаги “Кумушкон спорт” соғломлаштириш мажмуасига мурожаат қилишингиз мумкин.

Алоқа телефони: +99894 660-45-37

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши

Таҳрир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдулхамид РАҲМОНОВ, Зухра БОТИРОВА, Светлана ОРТИҚОВА, Мамазор ХУҲАМБЕРДИЕВ, Қодир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Талъат МУРОДОВ, Тошўлат МАТИБАЕВ, Алишер МҲМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23; 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — Ф.Жўраев. Навбатчи — И.Аҳунджанов «Adolat»дан кўчириб босиб таҳририят рўхсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй. info@adolat.uz adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмаханасида чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўроғ бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилади. Бутортага Г — 400. Адади — 9669. Босишга тошпириш вақти — 23.55. Босишга тошпирилади — 01.30

1 2 3 4 5